

SAMARQAND DAVLAT UNIVERSITETI

IJTIMOIIY ISH KAFEDRASI

5760100 – “Ijtimoiy ish”

(faoliyatning turli sohalari bo`yicha) yo`nalishi

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Mavzu: Yoshlarga oid davlat siyosati

Bajaruvchi: Norqulova D

Ilmiy rahbar: kat. o'qit. M.B.Sherov

SAMARQAND-2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I-боб. Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг назарий - ҳуқуқий асослари

1.1. Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги тушунчаси ва унинг моҳияти

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга бағишланган фундаментал фикрлар

1.3. Ўзбекистон Республикасида ёшлар ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари

II -боб. Ёшларнинг ижтимоий - сиёсий фаоллигини оширишда ёшлар ташкилотларининг ўрни ва истиқболлари

2.1. Хорижий давлатлар ёшлар ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолияти

2.2. Ўзбекистон Республикасида ёшлар ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд муаммолар таҳлили

2.3. Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш муаммолари ва ечимлари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

КИРИШ

Малакавий битирув иши мавзусининг долзарблиги. Ҳозирги кунда глобаллашув шароитининг салбий ва ижобий жиҳатларини ўрганиш ёшлар олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва маънавий маданиятини юксалтириш, келажакда етук баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш ёшлар ташкилотларининг зиммасидаги маъсулиятли вазифадир. Шунингдек, ёшлар муаммоси ва ёшлар ташкилотларининг фаолиятини илмий ўрганиш кенг жамоатчилик ва илмий доираларни қизиқтириб келган.

Мазкур мавзуда яратилган илмий ишларнинг таҳлили ушбу тадқиқот ишининг ўрганилмаган томонлари мавжудлиги ва ёшлар билан боғлиқ янги муаммолар туғилаётганлигидан далолат беради:

биринчидан, мамлакат ривожланишини белгиловчи асосий куч ёшлар эканлиги;

иккинчидан, Ўзбекистонда ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ёшлар ташкилотлари фаолиятида камчилик ва муаммолар мавжудлиги;

учинчидан, глобаллашув шароитида ёшларга нисбатан мафкуравий ташқи таъсирларнинг кучайиб бораётганлиги;

тўртинчидан, ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича ёшлар ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ҳар томонлама ёритилган. Шунингдек, Президент асарларида давлат сиёсатининг объекти бўлган ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдаги мавжуд муаммоларни бартараф

этиш йўллари илмий-назарий ва амалий фикр-мулоҳазаларда ўз ифодасини топган¹.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда ёшларга оид кенг камровли тадқиқотлар ижтимоий-сиёсий фанлар таркибида С.Жўраев, Э.Бобомуродов, Л.Тангриев, З.Қодирова, Р.Турдибоева, Н.Ҳасанов каби олимлар томонидан амалга оширилган.

Жумладан. С.Жўраев Ўзбекистон Республикасининг ўтиш даврида шаклланадиган ёшлар сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари назария ва амалиёти ҳақида тўхталиб ўтган².

Э.Бобомуродов жамиятни маънавий ривожлантиришда ёшларнинг рухиятини ўзгартириш муаммоларини таҳлил этган³.

Л.Тангриев ёшлар - сиёсат субъекти масаласига тўхталиб, бунда ёшларнинг сиёсий жараёнларда иштироки, уларнинг сиёсий ҳаётдаги ўрни ва роли, ёшларнинг сайловлар жараёнларидаги иштироки, жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги фаолияти, ёшларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштироки каби масалаларни ўрганган⁴.

З.Қодирова Ўзбекистонда жамиятни ислох қилишда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги муаммоларини илгари суради⁵.

Р.Турдибоев жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш шароитида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш муаммолари ва ечимларини аниқлаган⁶.

¹ Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби - Т.: "Ўзбекистон", 1996; Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. - Т.: "Ўзбекистон", 1997; Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.: "Ўзбекистон", 1998; Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: "Ўзбекистон", 1998; Каримов И. Баркамол авлод орзуси. - Т.: "Шарқ", 1999; Каримов И. Ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурмоқдамиз. - Т.: "Ўзбекистон", 1999; Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. - Т.: "Ўзбекистон", 1999; Каримов И. "Қамолот" ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. - Т.: "Ўзбекистон", 2001; Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. - Т.: "Маънавият", 2008.

² Жўраев С. Ўзбекистон Республикасининг ўтиш даврида шаклланадиган ёшлар сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари: назария ва амалиёт. с.ф.д.и.д.олиш учун тайёрланган дисс. Т.: 1994.

³ Бобомуродов Э. Духовное обновление общества и изменение общественной психологии молодежи Узбекистана. Автореферат. дисс. на соис. уч. ст. д. филос. наук. - Т.: 1994.

⁴ Тангриев Л. Ёшлар - сиёсат субъекти. с.ф.н.и.д.олиш учун тайёрланган дисс. - Т.: 2001.

⁵ Қодирова З. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. автореферат. дисс. д.п.наук. - Т.: 1999.

⁶ Турдибоев Р. Жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш шароитида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш муаммолари. с.ф.н.и.д.олиш учун тайёрланган дисс. - Т.: 2008.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ёшлар ташкилотлари роли, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилган.

Малакавий битирув ишининг мақсади. Ўзбекистон Республикасида ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ёшлар ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Малакавий битирув ишининг вазифалари. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар қўйилди:

- ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги тушунчасининг моҳиятини очиб бериш;
- Президент И.А.Каримовнинг ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга бағишланган фундаментал фикрларини ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикасида ёшлар ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асосларини ўрганиб чиқиш;
- хорижий давлатлар ёшлар ташкилотлари фаолиятини таҳлил этиш;
- ёшлар ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан керакли тавсиялар ишлаб чиқиш.

Малакавий битирув ишининг объекти - Ёшлар ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий фаолияти.

Малакавий битирув ишининг предмети - Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш муаммолари.

Малакавий битирув ишининг назарий-методологик асоси - “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга оид билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш тўғрисидаги кўрсатмаларига таянилди. Шу билан бирга шу соҳа мутахассисларининг ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ёшлар ташкилотлари фаолиятига доир қарашларига мурожаат этилди.

Малакавий битирув ишининг илмий фарази.

- Мамлакатда ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги даражасини оширишда оила, маҳалла, таълим даргоҳи, ёшлар ташкилотлари ва ОАВ каби субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги самарали механизм бўлиши мумкин.

Малакавий битирув ишининг илмий янгилиги.

- Ўзбекистонда ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга тўсқинлик қилувчи ва имконият берувчи омиллар таснифланди;

- хорижий давлатларнинг ёшлар ташкилотлари фаолиятини ўрганиш натижасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Малакавий битирув ишининг амалий аҳамияти. Ўзбекистон Республикасида ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ёшлар ташкилотлари иштироки, ёшларга оид муаммолар ва уларнинг ечимлари, хорижий давлатлар ёшлар ташкилотлари тажрибалари, ёшларнинг жамиятда тутган ўрни хусусида билдирилган илмий-амалий хулосалардан мазкур муаммолар юзасидан изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Малакавий битирув ишининг тузилиши ва ҳажми. Малакавий битирув иши кириш, олти параграфни ўз ичига олган 2 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

I-БОБ. ЁШЛАР ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ - ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги тушунчаси ва унинг

МОҲИЯТИ

Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги муҳим омил сифатидаги ўрни ва аҳамиятини таҳлил этишда энг аввало, унга оид бўлган илмий категорияларни ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, бунда “фаоллик”, “сиёсий фаоллик”, “ижтимоий-сиёсий фаоллик”, “ҳуқуқий фаоллик”, каби сиёсий-ҳуқуқий категорияларнинг мазмун ва моҳиятини ҳамда улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик масалаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

“Ижтимоий-сиёсий фаоллик” тушунчасини тадқиқ этишда унинг асосий бирикмаси ҳисобланган “фаоллик” атамасини таҳлил қилиш лозим бўлади. “Фаоллик” тушунчаси шу даражада кенг мазмун касб этганки, айрим ҳолларда ундан фойдаланиш изох талаб этади. Бундан ташқари, “фаол” атамаси ҳаракатчан, серғайрат, ривожланувчи деган маъноларни англатади. “Фаоллик” тушунчаси асосан “фаолият” тушунчасининг синоними сифатида ҳам қўлланилади. Инсоннинг фаоллиги атроф муҳитни ўз эҳтиёжлари, қарашлари, мақсадларига мувофиқ ўзгартириш қобилияти сифатида алоҳида мазмун-моҳият касб этади. Тегишли адабиётларда шахс фаоллигининг бир қатор белгилар бўйича фарқланиши ҳақида сўз боради¹. Бу борадаги ёндашувларни умумлаштирган ҳолда фаолликнинг қуйидаги шакллари кўрсатиб ўтиш мумкин:

“фаоллик” ва “фаолият” тушунчаларининг моҳиятан ягоналигидан далолат берувчи фаолият шакли сифатидаги фаоллик;

инсонда ўз ички муносабати вужудга келган, унинг индивидуал тажрибаси акс этган фаолият сифатидаги фаоллик;

¹ Ануфриев В.В. Социальный статус и активность личности. - М.: Изд-во МГУ, 1994. - С.36.; Кожевников С.Н. Социально-правовая активность личности и условия её действенности: Автореф. дис. док. юрид. наук. - М., 1992. - 46 с.

атроф муҳитни ўзгартиришга қаратилган фаолият сифатидаги фаоллик;

шахсий аҳамиятга молик фаолият: инсоннинг ўз шахсиятини намоён этиш кўринишидаги фаоллиги ҳамда ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро таъсирга киришиш маҳсули сифатидаги фаоллик.

Бундан ташқари, иқтисодий фаоллик, ғоявий фаоллик, маданий фаоллик каби тушунчалари мавжудлигини ўзи унинг йўналишлари, соҳалари хилма хил эканлигини билдиради. Фаоллик соҳалари инсонлар, шахслар ёки муайян ижтимоий гуруҳ қатламлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ажралиб қолмаган. Фаоллик ана шу ижтимоий қатламлар, хусусан ёшлар онги, дунёқараши, хулқ-атвори, ҳаётий мақсад ва интилиши уларнинг миллий ғоявий қиёфалари билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Шунда ёшлар фаоллиги, фаол ёшлар, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий фаол ёшлар атамаси ишлатилади.

Фаоллик муайян ижтимоий гуруҳ ёки қатламнинг жамият ва давлат, ишларига муносабати, унга тўғри ёндашуви, масъулият ҳисси, фуқаролик туйғуси сифатида намоён бўлади. Фаоллик айна пайтда ўзликни англашни ҳам ифодалайди.

Шунингдек, “ижтимоий-сиёсий фаоллик” атамаси ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий-сиёсий фаолликни кенг тушуниш, унда ҳукукий нормаларга риоя қилишни кўриш билангина чекланмаслик сиёсий фаоллик моҳиятини, унинг бу ҳодисани ижтимоий фаолликнинг бошқа турларидан фарқлаш имконини берадиган асосий белгиларини яхшироқ англаб етиш учун имконият беради. Сиёсий фаолликнинг ижодий жиҳати унинг хусусиятлари тизимида уюшқоқлик, батартиблик, барқарорлик каби қисмлари ёки сифатлари билан бир қаторда алоҳида ўрин эгаллайди.

“Ижтимоий-сиёсий фаоллик” деганда, ижтимоий фойдали (ижобий), онгли, иқтисодий, сиёсий, маъданий фаолият тушунилади. Ижтимоий фаолликнинг бошқа бир тури - сиёсий фаоллик ҳам амалда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, “ҳуқуқий маданият” тушунчасидан келиб чиқиб, сиёсий фаолликка ёшларга табиатан хос бўлган сиёсий-ҳуқуқий хусусият сифатида ёндашиш мумкин. Бу сиёсий-ҳуқуқий хусусият ҳуқуқий ва сиёсий муҳит билан инсоннинг ўзаро алоқаси жараёнида шаклланади ҳамда унинг сиёсат ва ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида фаол иш олиб бориш қобилиятини ифодалайди. Шунинг учун ҳам сиёсий-ҳуқуқий фаоллик - бу фаолиятнинг қизғинлик ва айни вақтда ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий маданияти даражасини акс эттирувчи омил сифатида амал қилади. Бу ҳақида “ҳуқуқий билимларсиз ҳуқуқий маданият бўлиши мумкин эмас”¹ деб, айтилган. Шунингдек, ёшлар сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги шаклланиш жараёнининг мазмуни ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: 1) ҳуқуқни билиш (информацион жиҳат); 2) ҳуқуққа бўлган муносабат (нисбий жиҳат); 3) қонуний ҳуқ-атворга қараб мўлжал олиш (тартибга солиш жиҳати); 4) ўз қонуний ҳуқ-атворининг зарурлигини англаб етиш (когнитив жиҳат).

Бундан ташқари, ёшлар деганда мамлакат аҳолисининг энг ёш ва тез ўзгарувчан ва салоҳиятини ташкил этувчи, ўзининг ижтимоий таркиби жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган қатлам тушунилади. Улар ижтимоий ҳаётда, шунчаки оддий кузатувчи сифатида иштирок этмасликлари учун, улар аввало фаолиятда бўлишлари керак бўлади. Фаолият орқали ёшлар ўзларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини англаб борадилар. Ижтимоий-сиёсий фаоллик нуқтаи назаридан ёшларни ўз олдларига қўйган мақсадларига кўра шартли равишда икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Сиёсий-ижтимоий фаол ёшлар.
2. Сиёсий-ижтимоий ҳаётдан узоқ, фаол бўлмаган ёшлар.

Шунингдек, “сиёсий фаоллик” тушунчасини кенг ва тор маъноларда талқин этиш мумкин. Кенг маънода уни ёшларнинг давлат ва жамият қурилиши, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга муносабати, масъулияти нуқтаи назаридан талқин этиш мумкин. Тор маънода, уни сиёсий

¹ Маматов Х. Ҳуқуқий маданият, унинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни. -Тошкент: YURIST-MEDIA MARKAZI, 2008. - Б.40.

иштироки ва сиёсий муносабатлар нуқтаи-назаридан ёшларни жамиятнинг сиёсий ҳаётида бевосита ёки билвосита муносабатини ифода этади.

Ёшларни, бугунги кунда шартли равишда “сиёсий фаол” ва “фаол бўлмаган” гуруҳга бўлиш мумкин. Буларга қуйидагилар киради:

1. сиёсий ўзгаришларни аниқ идрок этган;
2. демократик жараёнларга ўз ҳиссасини қўшаётган;
3. қонунлар қабул қилиш, уни ҳаётга тадбиқ этишда бефарқ бўлмаган;
4. мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватан, эл-юрт ва халқнинг тақдири ва истиқболи учун қайғураётган;

5. муайян сиёсий партия ёки ижтимоий ҳаракатлар билан ўз фаолиятини боғлаган, шунга эҳтиёж сезган;

6. ижтимоий зарарли иллатлар кўринишлари билан муроса қилолмайдиган ёшларни сиёсий фаол қатлам дейиш мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларида ёшлар тушунчасига нисбатан турли хил ёндашувларнинг мавжудлиги маълум.

Хусусан, БМТнинг ихтисослашган ташкилоти ЮНЕСКО 17 ёшдан 25 ёшгача бўлганларни ёшлар қатламига киритади. Европа Иттифоқи давлатларида 16 ёшдан 30 ёшгача (баъзан 35 ёшгача) бўлган аҳоли вакиллари ёшлар сифатида эътироф этилади. Шунингдек, МДХ давлатларининг аксариятида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ёшлар ҳисобланади, аммо Украинада 14-35¹, Қозоғистонда 14-29 ёшлилар² ушбу тоифага киритилади. Ўзбекистон Республикасида эса 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ёшлар ҳисобланади³.

Хулоса ўрнида ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти ўзига хос тарзда шаклланган бўлиб, ўз таркибига “фаоллик”, “ижтимоий фаоллик”, “сиёсий фаоллик”, “иқтисодий фаоллик” каби

¹ Закон Украины “О содействии социальному становлению и развитию молодежи в Украине” 1993 г.

² Закон Республики Казахстан «О государственной молодежной политике в Республике Казахстан» от 7 июля 2004 года № 581

³ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни. 20 ноябрь, 1991 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1992 й. 2-сон.

категорияларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

1.2. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов асарларида ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга бағишланган фундаментал фикрлар

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилгандан сўнг энг аввало ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш устивор вазифалардан бири сифатида эътироф этилди. Президентимиз И.А. Каримов ёшлар сиёсатини кун тартибидаги энг асосий масала деб белгилади. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг 2- моддасига мувофиқ:

- ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва таъминлаш;
- ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида республика комплекс ва аниқ мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- республика ёшларининг манфаатларини Ўзбекистоннинг республикалараро ва халқаро мажбуриятлари доирасида ифодалаш;
- республика ёшларининг, ёшлар жамоат уюшмаларининг ташаббусларини иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб қувватлаш вазифалари қатъий белгилаб қўйилди¹.

Шунингдек, ҳозирги кунда фан - техника ривожига ахборот коммуникация - технологияларининг тараққий этиши билан бир қаторда ахборот алмашинув жараёнлари тезлашиб бормоқда. Бундан ташқари, Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимизнинг, айниқса, ёшларимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга ёшларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий фаоллиги давлат ва жамият қурилишида катта ўринга эгадир. Бу тўғрисида

¹“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни (1991 йил 20 ноябрь, 2004 йилдаги ўзгаришлар билан).

Президент И.А.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида. “Ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шароитларни яратиш даркор”, деб таъкидлайди¹.

Ҳозирги кунда маънавий ва ахлоқий кадриятларга содиқ, билимли, самарали меҳнат қилишга қодир фуқаролар, айниқса, ёшлар жамиятнинг энг асосий кучига айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам XXI аср-интеллектуал билимлар асрида инсон капиталига инвестициялар йўналтиришни устивор вазифа сифатида танлаган мамлакатлардагина юксак тараққиётга эришиш мумкин. Шунингдек, билимли жамиятгина таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади. Шу туфайли ҳам мустақиллик йилларида Ўзбекистонда замонавий таълим тизимини шакллантириш ва юксак малакали кадрларни тайёрлаш ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг асосий омилига айланди. Хусусан, Ўзбекистонда таълим ислохотларига асосан, МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари жорий этилгани катта аҳамиятга эгадир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг тамойилларидан бири - “ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш”² миллий сиёсатнинг асосий қисми ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш, ислох этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этиши мазкур соҳага қаратилаётган юксак эътибордан далолат беради. Шунингдек, юксак

¹ Каримов И. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиздир”. -Т.: “Ўзбекистон”, 2000.-Б. 32.

² Президент И.Каримовнинг “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги халқаро конференциясининг очилиш маросимидаги нутқидан, 17.02.2012, Тошкент.

малакали кадрлар тайёрлаш тизимидаги ислохотлар юзасидан Президентимиз И.А.Каримов “Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимиз, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятмизнинг янгиланиши ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга ошираётган ислохотларимиз, режаларимиз самараси, тақдири - буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз”¹, деб таъкидлайди.

Бундан ташқари, бу борада Президентимиз И.А.Каримов - “айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез ва жадал ривожланишини таъминлаш, шу аснода бугунги кунда жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, ижтимоий - сиёсий барқарорлик кафолати, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган ўрта синф - яъни мулкдорлар синфини шакллантириш натижаси”² деб таъкидлайди. Шунингдек, ёшлар тадбиркорлиги ривожлантириш ва уни юксак даражага кўтариш ҳам бугунги кунда ёшлар ташкилотларининг фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишда уларни билим ва кўникмаларини шакллантириб бориш лозим. Мазкур соҳа ҳар бир кишига ўз истеъдоди ва имкониятларини намоён этиш учун замин яратади, шу тариқа ташаббускор, омилкор, мустақил фаолият юрита оладиган, ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга қодир инсонлар тоифасини шакллантиришга хизмат қилади³. Шунингдек, Ўзбекистонда бозор муносабатларининг иқтисодиётда чуқурлашиб бориши жараёнида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали ёшларни иш билан таъминлашга эришиш мумкин бўлади. Комил инсонни тарбиялашда жисмоний жиҳатдан

¹ Каримов И. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқи. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997.- Б. 5.

² Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. - Т.: “Ўзбекистон”, 1999.- Б. 290.

³ Каримов И. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти (2012 йил 12-14 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуидаги Халқаро конференциясидаги нутқи). “Халқ сўзи”, 2012 йил 16 сентябрь.

бақувватлик билан бирга маънавий етуклик ҳам муҳим ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, “Фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо уни жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш ғоят мураккаб вазифа ҳисобланади. Айниқса, бугунги кунда-мафкуравий курашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинхона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароитда таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга”¹. Албатта ушбу фикр ўз вақтида айтилган бўлиб, ҳақиқатдан ҳам ёшларни жисмоний баркамоллиги билан бир қаторда маънавий соғлом, комил инсонлар қилиб тарбиялаш ҳар доим долзарб ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид сиёсатнинг конституциявий асослари мамлакат ёшларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб беришни кўзда тутди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда ўтган асрнинг 90 йилларининг бошларида 20 млн.дан ортиқ Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 42,9 фоизини меҳнат ёшига етмаганлар ташкил этган. Ўтган йигирма йил давомида мамлакатимиз аҳолиси 1,4 баробар кўпайган бўлишига қарамасдан, мазкур кўрсаткич ҳам юқори - 32,1 фоиздан ортиқни ташкил этади. Умуман, 30 ёшгача бўлганлар, яъни ёшлар бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоиздан ортиғини, аҳолининг ўртача ёши эса, 26,9 ёшни ташкил этмоқда.²

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1990 йил 20 июнда ташкил этилган конституциявий комиссия олдида Конституцияда нафақат ҳозирги, балки келажак авлод манфаатларини ҳам ифода эттириш энг муҳим вазифалардан бири сифатида қўйилган. Бундан ташқари, асосий қонунимизнинг 40 - моддасида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда 14 ёшгача бўлган болаларнинг 100 фоизи йилига икки марта тиббий кўриқдан ўтказилади. Ўзбекистон 2011 йилда “Болаларни асрайлик” ҳалқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат рейтингида ўсиб

¹ Каримов И. Ёшларимиз - халқимизнинг ишончи ва таянчи. - Т.: “Маънавият”, 2006.- Б. 8.

² Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011- 2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: Статистик тўплам.- Т.: “Ўзбекистон”, 2011.- Б. 93-95.

келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар орасида 9 - ўринни эгаллади¹.

Ўзбекистонда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш, улар ўз ҳуқуқ ва эркинларини англаб етишида ҳуқуқий тарбиянинг ўрни каттадир. Ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш, жамиятимизнинг ижтимоий кадрияти сифатида унга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш муҳим вазифадир. Бу борада мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиб бериш - ҳуқуқий давлатнинг қарор топишида муҳим йўналишдир”². Давлатимиз раҳбари “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да фуқаролик жамиятини ривожлантиришда лозим бўлган вазифаларни белгилаб берар экан, “Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ”³ эканини алоҳида таъкидлайди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “2012-2015 йилларда умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ҳуқуқбузарликни олдини олиш, бу соҳада ўзаро ахборот алмашиш тизимини такомиллаштириш” бўйича 2012 йил 17 январдаги қўшма қарори тасдиқлангани эътиборга лойиқдир. Мамлакатимизда амалга оширилиб келинаётган демократик ислохотлар ўзининг янги сифат босқичига қадам қўйган ҳозирги пайтда, жамиятимиз ёшлари манфаатларини янада кучлироқ даражага чиқаришга қаратилган мақсадлар ҳам белгилаб олинмоқда. Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз ота-боболаримизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етиши, XXI

¹ Каримов И. Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она-соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиум очилишидаги нутқ. 20-жилд.- Т.: “Ўзбекистон”, 2012. Б. 26-36.

² Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-жилд.-Т.: “Ўзбекистон”, 1997.- Б. 128.

³ Каримов И. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд.- Т.: “Ўзбекистон”, 2011.- Б. 68.

аср талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган инсонлар бўлиб камол топиши учун биз бундан буён ҳам куч - ғайратимизни аямаймиз, чунки такрор айтаман, эртанги кун - ёшлар кўлида. Ёшларни кўллаб қувватлаш, уларга янада кўпроқ ишонч билдириш лозим. Бу масалага бирёқлама карамаслик керак. Давлатимиз, жамиятимизнинг бу борадаги вазифаси - келажак авлодни ҳаётда ҳар бир одам, ҳар бир ёш йигит - қиз дуч келадиган мураккаб синовларга ҳар томонлама тайёрлашдан иборат”¹.

Бундан ташқари, давлатнинг кенг қамровли ислохотлар асосидаги сиёсатини амалга ошириш жараёнида ёшларнинг сиёсий онги ва маданиятини шакллантириш масаласини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этишга эҳтиёж туғилиши табиийдир. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек: “...аҳолиимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт”², деб таъкидлаган. Чунки мамлакатимизда асосий ижтимоий демографик аҳамият касб этувчи ёшларни давлат сиёсатининг фаол субъектига айлантириш масаласи устивор вазифа ҳисобланади. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳар қандай давлат олдида турган энг устивор вазифалардан биридир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш зарурияти ҳар доим мавжуд. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, “Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак - биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қандай кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали ишчи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун маъсулиятни ўз зиммасига

¹ Каримов И. Тарихий хотира ва инсон омили - буюк келажакимизнинг гаровидир. - Т.: “Ўзбекистон”, 2012.- Б. 34-35.

² Каримов И. Асосий мақсадимиз - юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир.- Т.: “Ўзбекистон”, 2007.- Б. 36-37.

олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч хато бўлмайди”¹.

XXI аср - рақобат кескин тус олаётган бир даврда ёшларни ҳар томонлама билимли, юқори малакали кадрлар қилиб етиштиришни тақозо қилади. Рақобат асри тўғрисида давлатимиз раҳбари аниқ - равшан таъкидлаган эди, “Бундай шароитда инсон капиталига йўналтириладиган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим кадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устивор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин”².

Хулоса қилиб айтганда, ёшларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини таъминлашга қаратилган Президент Ислом Каримовнинг асарлари ва чиқишларидаги фундаментал фикрлар Ўзбекистон ёшларининг келажакда юксак малакали, маънавий ва ахлоқий етук, ўз Ватани учун виждонан хизмат қилишга қодир бўлган фуқаролар сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Конституцияси - биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. - Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // “Халқ сўзи”, 2009 йил 6 декабрь.

² “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти”. Халқаро конференция материаллари (2012 йил 16-17 февраль. Тошкент).- Т.: “Ўзбекистон”, 2012.- Б.4.

1.3. Ўзбекистон Республикасида ёшлар ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари

Ҳар бир мамлакатда кучли фуқаролик жамияти - мавжуд жамоат бирлашмаларининг фаол фаолият олиб бориши билан ривожланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг таъкидлашича, “Жамиятни демократиялаш жараёни сиёсий институтлар - партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ”¹. Албатта ушбу фикр ҳозирги глобллашув шароитида энг долзарб ва муҳим вазифалардан бирига айланган бўлиб, ёшлар ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан ривожлантиришни кўзда тутди.

Ёшлар ташкилоти тушунчаси - ёшларни жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши учун шароит ва имкониятлар яратиш ва уларнинг фаоллигини оширишни мақсад қилиб қўйган тузилма сифатида эътироф этилади. Шу билан бир қаторда, “ёшлар ҳаракати” тушунчаси эса ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида тузилган ташкилот сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги” қонуннинг 17-моддасида ёшлар жамғармалари фаолиятининг асосий моҳияти ва йўналиши белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида илмий, техникавий, маданий ва бошқа ижодий фаолиятни, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ёшларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашувчи ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат - жамоат ёшлар жамғармалари ташкил этилади², деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, ёшлар ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар жамоат бирлашмалари сифатида иштирок этадилар. Шунингдек, ёшлар жамоат бирлашмасининг

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000. Б. 63-64.

² Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни. 20 ноябрь, 1991 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1992 й. 2-сон.

Устави (низоми, бошқа асосий ҳужжати) да аъзо бўлувчининг ёки катнашчисининг ёши чегаралаб қўйилган (30 ёшгача) бўлиши керак. Ёшлар жамоат бирлашмасидаги 30 ёшдан катта аъзолар (катнашчилар) кўпи билан ёшлар жамоат бирлашмасига кирганлар жами сонининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак¹. Ёшларнинг жамоат бирлашмалари ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича давлатнинг комплекс ва аниқ мақсадли дастурларини ишлаб чиқишида қатнашадилар.

Ёшлар ташкилотлари - Ўзбекистон Республикасида ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида нодавлат-нотижорат ташкилотлар тузилган. Чунки Республикамиз аҳолисининг 64 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Шу сабабли Республикамизда ёшларнинг фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон болалар жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар ташкилоти, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Фарзандим жигарбандим жамоат бирлашмаси”, “Сен ёлғиз эмассан” республика жамоат болалар жамғармаси, “Соғлом авлод учун” халқаро ҳайрия жамғармаси, Ўзбекистон болалар кутубхоналарини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашувчи ҳайрия жамғармалари тузилган². Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ёшлар ишлари билан шуғулланувчи ташкилотларни қуйидаги гуруҳга ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Давлат ғамхўрлигидаги нодавлат нотижорат ёшлар ташкилотлари:

- “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати;
- “Ёшлар муаммолари” институти,
- “Бунёдкор” ёшлар теле клуби;
- “Заковат” ёшлар интеллектуал клуби;
- “Етакчи” ёшлар маркази;

¹ Қаранг ўша манба..

² Демократия: Илмий-изоҳли луғат-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.

- “Ёшлар ижодиёти” саройи;
- “Камалак” ташкилоти.

2. Фонд ва жамғарма шаклидаги ёшлар ташкилотлари:

- Ўзбекистон “Болалар спортини ривожлантириш” жамғармаси;
- Ўзбекистон саънати ва маданияти жамғармаси “Фонд форум”;
- “Соғлом авлод учун ҳайрия” фонди;
- “Сен ёлғиз эмассан” жамғармаси;

- Ёш иқтидорли олимларни қўллаб қувватловчи “Истеъдод” жамғармаси.

3. Сиёсий партиялар таркибига кирувчи ёшлар қанотлари.

- Ўзбекистон “Адолат” СДП нинг ёшлар қаноти;
- Ўзбекистон “Халқ” демократик партиясининг “Истиқбол” ёшлар қаноти;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий тикланиш партияси “Ёшлар қаноти”;
- Ўзбекистон Республикаси “Либерал демократик партияси” ёшлар қаноти.

4. Касаба уюшмалари таркибидаги “Ёшлар Кенгашлари”

- Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг “Ёшлар кенгаши”;
- Вилоят, туман, шаҳарлардаги ҳудудий органлар таркибидаги “Ёшлар Кенгашлари”.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган ёшлар ташкилоти “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолият тизими ўзига хос йўналишларда белгилаб қўйилган. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатида ёшлар фаолияти тизimini қуйидагича изоҳлаш мумкин.¹

- Эҳтиёж;

¹Мирзаолимов Б.Ш. Ёшлар онгида миллий истиқлол ғояси шакллантиришнинг педогогик асослари. Пед.ф.н. дисс.- Т.: 2005.

- Қизиқиш;
- Мақсад;
- Масъулият;
- Фаолият;
- Миллий истиқлол ғояси.

Ушбу ҳаракатнинг ўз вазифалари қуйидаги устивор йўналишлар билан белгилаб олинган:

- Маънавий-маърифий;
- Сиёсий-ҳуқуқий;
- Ижтимоий-иқтисодий;
- Спорт ва жисмоний тарбия.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар ташкилотларининг мақоми, йўналиши, характерли хусусиятлари, шундан иборатки бошқа жамоат ташкилотлари каби республика мақомига ва маҳаллий мақомга эгаллиги билан фарқланади. Республика мақомидагиларга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган ва бутун Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатадиган ташкилотлар киради. Маҳаллий мақомга эга ташкилотлар эса жойларда адлия бошқармалари томонидан ҳисоб рўйхатига олинадилар.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган ёшлар ташкилотларини тузилиши жиҳатидан иккинчи таснифи бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- ёшлар ҳаракатлари ва гуруҳларига мос бўлган ижтимоий аҳамиятга молик йирик ташкилотлар. Бундай гуруҳ вакилларининг асосий мақсад ва вазифалари бўлиши билан бирга фаолиятларини кенг кўламда ташкил этган ҳолда, ёшларнинг барча муаммоларини бартараф этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

- ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган марказлар, клублар, маслаҳатхоналар ва бошқалар киради. Ёш олимлар ассоциацияси, иқтисодий

таълим беришга асосланган ёшлар ютуқлари, чекланган имкониятларга эга болаларни қўллаб-қувватлаш марказлари, ёшлар ахборот маслаҳатхоналари каби ташкилотлар.

- “Ёш раҳбарлар” клуби, “Фидойи” ёшлар клуби, Ёш олимлар илмий кенгашлари ва бошқалар. Ушбу ёшлар ташкилотларининг туркумланиши ёшлар ташкилотлари тузилиши, мазмуни ва моҳиятини очиб беришда муҳим роль ўйнайди. Ёшлар ташкилоти тушунчасига аниқлик киритади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида мавжуд сиёсий партиялар таркибида фаолият олиб бораётган ёшлар қанотларининг ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ўз имкониятларини етарли даражада ишга солмаётганини кузатиш мумкин. Лекин шунга қарамасдан партия ёшлар қанотлари томонидан ёшлар фаоллигини оширишга қаратилган лойиҳалар мавжуд. Сиёсий партиялар таркибидаги ёшлар қанотлари мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол ва жисмоний етук инсон қилиб тарбиялашда ўзига хос ўринга эгадир. Бу борада ёшлар қанотлари томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ёшларга оид давлат сиёсатининг бир қисми сифатида эътироф этиш мумкин.

Шунингдек, бугунги кунда ёшлар қанотлари фаолиятида ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган лойиҳалар ва тадбирлар амалга оширилган.

Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг “Истиқбол” ёшлар қаноти 2006 йилда тузилган бўлиб, унинг таркибига - 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган партия аъзолари киради. 2012 йил 1 январ ҳолатига кўра, Халқ демократик партияси аъзолари ўртасида 30 ёшгача бўлганлар 31,2 фоизни ташкил этган. Ушбу партия ёшлар қаноти томонидан 2012 йил давомида амалга оширилган лойиҳалардан бири “Ёш сиёсатчи-2012” танлови бўлиб, бу ёшларни истиқлол ғояларига содиқлигини шакллантиришга ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг ёшлар қаноти томонидан ҳам ёшларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий

фаоллигини оширишга қаратилган қатор лойиҳалар ва тадбирлар кенг йўлга қўйилган бўлиб, “Ишбилармон ўқувчи” ҳамда “Диплом билан - бизнесга” лойиҳалари орқали ёшлар имтиёзли кредитлар олиш эвазига ўз бизнесини йўлга қўйишга муваффақ бўлмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган ёшлар ташкилотларидан “Камолот” ЁИХ ҳам тузилиши ва фаолият йўналиши жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Ҳаракатга унинг дастурий вазифа ва мақсадлари ҳамда Низом талабларини тан оладиган, уларни амалга ошириш йўлида фаол ҳаракат қиладиган, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш ва курашишни ўзи учун ҳаётий эътиқод деб биладиган, ўқишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда, жамоатчилик ишларида ўрнатилган бўладиган, жинси, irqи, миллати, тили, дини, шахсий ва ижтимоий маъқайдан қатъий назар, қоида тариқасида, ўн тўрт ёшдан йигирма саккиз ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқаролари аъзо бўлиши қайд этилди. Хусусан, “Камолот” ЁИХ тузилишига кўра, Марказий кенгаш, вилоят, туман ва шаҳар бўлимларидан иборат бўлиб, асосий фаолият йўналиши ёшларни ҳар томонлама баркамол, етук шахс бўлиб етиштиришлариغا кўмаклашишдан иборат. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тизими қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ёшларга оид давлат сиёсати масалаларини демократик тамойиллар асосида қайта англашни ҳамда мазкур сиёсат мезонларини фуқаролик жамияти талабларига мувофиқ тарзда кўриб чиқишни тақозо қилади. Президент И.А.Каримовнинг “биринчилар қаторида ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур”лигини таъкидлаши бежиз эмас¹.

¹ Каримов И. “Асосий мақсадимиз-юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир.”// Ўзбекистон Республикаси конституциясининг қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2007 йил 8 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси¹, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури², Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги³ қонунлар ёшларга оид ҳуқуқий нормалар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги бола ҳуқуқларига оид нормалари 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош ассамблеясининг 44-сессиясида қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция моҳиятига тўлиқ мос келади⁴. Мазкур Конвенцияни Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 9 декабрда ратификация қилган. Ушбу конвенциянинг мақсадлари учун 18 ёшга тўлмаган ҳар бир ёш, агар болага нисбатан қўлланиладиган барча ҳатти-ҳаракатларда, улар ижтимоий таъминот масалалари билан шуғулланувчи давлат ёки хусусий муассасалар, судлар, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар ваколатлари, боланинг манфаатлари яхшироқ таъминлашга биринчи даражали эътибор берилади. Бундан ташқари, болалар ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш ёки уларни ҳимоя қилиш учун масъул ҳисобланган органлар, муассасалар ва хизматлар ваколатли органлар томонидан белгилаб қўйилган меъёрларга, хусусан, хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш соҳасида ва улардаги ходимларнинг сони ва ишга яроқлилиги, шунингдек, ваколатли назорат олиб бориши нуқтаи назаридан белгиланган меъёрларга жавоб беришларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда олий юридик кучга эга ҳужжат бўлиб, унга асосан давлат фуқароларнинг қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқароларга таълуқли меъёрлардан ташқари, айнан ёшларга тегишли бўлган қоидалар ҳам мавжуд. Жумладан,

- 41-моддада: “ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”;

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: “Ўзбекистон”, 2012.

² Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни.1997 йил 29 август.

³ “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни 20.11.1991.

⁴ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенсия. Болалар учун қисқача матн. Т.: 2009. 8-б.

- 45-моддада: “Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”;

- 64-моддада: “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”;

- 66-модда: “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”;

- 117-моддада: “Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар” каби меъёрлар белгилаб қўйилган¹.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари асосида қабул қилинган қатор қонун ҳужжатларини икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга 1991-2002 йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари. Мазкур даврда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги (1991), “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги (1992), “Таълим тўғрисида”ги (1992 йил, 1997 йил янги таҳрирда) “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” (1997) қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, 1992 йилда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенцияга қўшилди. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг “Республика ёш ижодларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” (1992) “Ўзбекистонда таълим олаётган ёшларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (1993), “Ўзбекистон Республикасининг ёш муаллифларига энг яхши асарлари ва илмий ишлари учун Давлат мукофотини топиши тўғрисида”(1993), “Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармаси тўғрисида” (1996), “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолини ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: “Ўзбекистон”, 2012.

(1997), “Республика Маънавият ва маърифат кенгашилини қўллаб - қувватлаш тўғрисида”ги (1999) фармонлари эълон қилинди.

Иккинчи гуруҳга 2001 йилдан ҳозирга қадар қабул қилинган қонун ҳужжатларини киритиш мумкин. Мазкур босқичда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (2008), “Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексига қўшимча киритиш ҳақида” (2009), “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги (2010) қонунлар қабул қилинди.

2008 йилда “Ишга қабул қилиш учун кичик ёш тўғрисида”ги ҳамда “Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисида”ги конвенциялар ратификация қилинди. Вояга етмаган ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни янада кенгроқ қўллаб қувватлаш мақсадида ёш истеъдодлар учун “Ниҳол” мукофоти (2006), “Келажак овози” республика танлови (2006) таъсис этилди, “Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (потранат) тўғрисида” ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди (2007), “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб - қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги фармон (2007) имзоланди, шунингдек, Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича ҳаракат дастури (2007), Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Конституция ва кодекслардан ташқари, бу соҳада 22 қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 та фармони ва 11 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 41 та қарори, 32 та идоравий-меъёрий ҳужжатлар мавжуд эканини кўрсатди¹. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига асосланган, ёшларга оид давлат сиёсатининг

¹ Файзиев Ш. Ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳим кафолати. “Ҳуқуқ ва бурч”, 2008 йил 8-9 сон.

хукукий асосларини белгилаб берувчи норматив - хукукий ҳужжатлар тизими 150 дан ортиқ қонун ҳужжатларидан ташкил топганини эътироф этиш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданок, яъни, 1991 йилнинг 20 ноябрида собиқ Иттифок республикалари ичида биринчилардан бўлиб, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Ушбу хукукий ҳужжат бош ислохотчи бўлган давлатнинг ёшлар масаласига доир стратегик йўналишларини изчил ва тизимли равишда босқичма-босқич амалга ошириш йўллариини белгилаб берди. Ушбу қонунда қуйидагилар устивор вазифа сифатида белгилаб қўйилди:

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлаш;
- ёшларга доир қонунчиликда ва ҳукумат томонидан белгиланган чоратадбирларни янгилашни ва ислохотлар жараёнига мос равишда босқичма-босқич амалга ошириш;
- ёшлар сиёсатини юритувчи нодавлат тузилмалари тармоғини кенгайтириш ва такомиллаштириш, уларнинг ёшлар тарбиясидаги фаолиятини кучайтириш;
- мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини қуриш йўлида ёшларнинг ижодий имкониятларини тўлароқ намоён этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- ёшлар муаммоларини ҳал этишга уларнинг ўзларини кўпроқ жалб этиш, уларда ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўникмаларини шакллантириш;
- ёшларни сиёсий, ижтимоий, ҳукукий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш.

1993 йил 4 майда Ўзбекистон Республикаси президентининг ижодкор ёшларни “Истеъдод” республика жамғармасини тузиш ҳақида фармони қабул қилинди. Ушбу жамғарманинг ташкил этилиши ёш олимларни ўз имконият ва салоҳиятларини янада юқори даражаларга кўтаришга ёрдам берди.

1997 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди, ушбу меъёрий ҳужжатларнинг ёшлар ҳаётидаги ижтимоий фойдалилигини инобатга олиб, Президент И.А.Каримов томонидан жуда катта ишонч ва умид билан “Ўзбекистон - келажаги буюк давлат” деган фикр айтилди ва бутун халқ бу эзгу фикрни қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мамлакатимизда таълим ислоҳотини ўтказишдан кўзда тутилган мақсад, таълимнинг вазифалари, дастурини рўёбга чиқариш босқичлари, кадрлар тайёрлашнинг миллий модели асослаб берилди.

Мазкур дастурнинг мақсади - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир¹.

Ўзбекистонда замонавий таълим тизимини шакллантириш ва юксак малакали кадрларни тайёрлаш ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг асосий омилига айланди. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига” асосан амалга оширилган туб ўзгаришлар дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Агар бу ислохотлар МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб амалга оширилгани эътиборга олинса, таълим тизимида академик лицейлар ва профессионал коллежлар жорий этилгани оламшумул аҳамиятга эга экани аён бўлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг тамойилларидан бири - “ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш

¹ Қаранг: Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ, 1997. - 40-41 бетлар.

руҳида тарбиялаш”¹ миллий сиёсатнинг ўзагига айланди. 2001 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисидаги қарори, Шунингдек, 2002 йил 31 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, 2004 йил 4 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ҳайрия жамғармаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида қарори ёшларни жисмоний баркамол бўлиб етишишида асосий роль ўйнайди. 2004 йил 9 июлда “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Мазкур фармойишда умумий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш кўзда тутилган бўлиб, асосий диққат ва эътиборни таълим муассасаларининг биноларини капитал реконструкциялаш, мактабларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, мактабларни ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш, таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига қаратиш лозимлиги алоҳида қайд этилди².

“Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” ёшларимизга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади. 2007 йил 23 ноябрда

¹ Президент И.Каримовнинг “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт” мавзусидаги халқаро конференциясининг очилиш маросимидаги нутқидан, 17.02.2012, Тошкент.

² Қаранг: “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т.: Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси. -2004. -28(112) - сон. 5-8 бетлар.

қабул қилинган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддасида бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокига оид норма киритилган. Ушбу нормаларнинг киритилиши ёшлар ташкилотлари ваколатларини кенгайтиришга сабаб бўлди.

Шунингдек, 2008 йилни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили”, 2012 йил “Мустаҳкам оила йили”, 2013 йил “Обод турмуш йили” деб номланиши муносабати билан Давлат дастурларининг қабул қилиниши эса ёшларга оид давлат сиёсати тамойилларининг жорий қилиниши ва амалга оширилишида муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон Президентининг “Республика ёш ижодкорларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистонда таълим олаётган ёшларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Истеъдод” республика ижодий ёшлар жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги, “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги, “Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳам бевосита ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. 2008 йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни ҳамда “Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори болалар меҳнати масалалари бўйича вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг халқаро ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида қабул қилинган. 2008 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасини қарори, 2008 йил 13 октябрдаги “Болаларнинг саънат ва маданият соҳасидаги қобилият ҳамда иқтидорини барвақт аниқлаш, ривожлантириш билан шуғулланадиган нодавлат ташкилотларни рағбатлантириш тўғрисида”ги, 2001 йил 26 июлдаги “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги қарорлар ёшларга оид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида эътироф этилади. 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасалари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида қабул қилинган. Шунингдек, 2010 йил 12 августда “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида ёшлар ишлари билан шуғулланувчи ҳар бир ташкилот ўзининг Низом ва Дастурлари асосида фаолиятини ташкил этади. Жумладан, “Камолот ЁИХ”нинг дастури қабул қилинган бўлиб, 2012 йилда ушбу Дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларга оид муаммоларни бартараф этишда янгича ёндашув ва усуллардан фойдаланиш, самарали натижаларни қўлга киритишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорликнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши милоддан аввалги VI-V минг йилликларда, яъни неолит ва бронза даврига тўғри келади. Бундан ташқари, аجدодларимиз ўзларининг тадбиркорлик фаолияти билан жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшганлар.

Дунёдаги ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда 20 кишидан иборат бўлган кичик ва ўрта даражадаги хусусий корхоналарда меҳнатга

яроқли аҳолининг 40-55 фоизи меҳнат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасида 30731 та хусусийлаштирилган корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг 78,5 фоизига эгалик қилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторида иқтисодиётда умумий банд бўлганларнинг 74,3 фоизи фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон аҳолисининг ҳар 1000 нафарига 15,2 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти тўғри келмоқда¹. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида аксарият ёшлар (Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 26,9 ёшни ташкил этмоқда.) шуғулланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи бир қатор ҳуқуқий ва молиявий асослар яратилган бўлиб, ушбу асослар уларнинг самарали иш юритишини таъминлаб беришга хизмат қилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ЁИХнинг молиявий манбалари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатимиздаги ва хорижий хомийлардан тушадиган маблағлар;
- Ҳаракат ва унинг жойлардаги бўлимлари билан шартнома асосида ишлайдиган корхоналарнинг тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган маблағлар;
- ёшлар лойиҳаларини амалга ошириш учун бериладиган мақсадли кредитлар;
- матбуот нашрларидан тушадиган маблағлар;
- давлат томонидан бериладиган кўмак маблағлар;
- Ҳаракат ва унинг бўлимлари томонидан қурилган, сотиб олинган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий-маиший ва бошқа объектлар, шунингдек, транспорт воситалари, хўжалик ашёлари ва бошқа кўчар ҳамда кўчмас мулк ташкилотнинг мулки ҳисобланади;

¹ Ўзбекистон Республикасида иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам.- Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 65,66,95-б.

- Ҳаракат ўз мулки бўлган объектларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, ўз тасарруфидан чиқаришга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда ушбу мол-мулк билан боғлиқ бошқа битимлар тузишга ҳақлидир;¹

- Ҳаракат Ўзбекистон Республикаси банкларида ўз ҳисоб рақамига эга бўлиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкида валюта ҳисоб рақами очиш ҳуқуқига эга.

- Ҳаракат давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ўқувчи ва талаба ёшларга бериладиган мукофотлари, стипендия ва грантлари тақсимоотида, ўқув олимпиадалари, универсиадалар, кўрик-танловлар, фестиваллар ва бошқа тадбирларда иштирок этиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасида давлатнинг ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаши тўғрисидаги норма киритилган бўлиб, унга кўра, давлат ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини, халқ ҳунармандчилиги ва ҳунармандчилик касб-кори билан шуғулланишини, ёшлар корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради. Шунингдек, ишловчилар рўйхат таркибининг камида 75 фоизини 30 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этадиган қуйидаги корхоналар: мактаб ўқувчилари, илмий-тадқиқот, инновация ва жорий этиш ишларини олиб бориш учун ёш олимлар томонидан ташкил этилган корхоналар, шунингдек, ёшлар ташкилотлари тузган ҳамда рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган ёшларга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва хизматларни кўрсатувчи корхоналар ёшлар корхоналари ҳисобланади². Ёшлар корхоналари учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ: қарз олишда, инвестицияларда, зарур ишлаб чиқариш

¹Ўзбекистон Республикаси “Қамолот” ЁИХнинг Дастури. www.Kamolot.uz.

² “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни (1991 йил 20 ноябрь, 2004 йилдаги ўзгаришлар билан) 18-модда.

воситалари билан таъминланишда, ер майдонларини олишда, ўзларининг тижорат таваккалларини суғурталашда имтиёзлар белгиланди.

“Камолот” ЁИХ томонидан ёшларни иқтисодий фаоллигини ошириш, моддий эҳтиёжларини қондириш, ёшлар ўртасида мулкдорлар синфини шакллантириш муҳим йўналишлардан биридир. Ҳаракат томонидан ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга йўналтирилган лойиҳаларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида юрган ёшларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида “Камолот” ЁИХнинг ҳудудий ҳамда маҳаллий Кенгашлари қошида фаолият юритаётган “Ёшлар ижтимоий хизматлари” марказлари негизида 20 та “Ёш тадбиркор” консултатив марказлари ташкил этилган. Ушбу марказларнинг асосий мақсади тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларга давлат рўйхатидан ўтишга тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашиш, тижорат банкларидан кредит олишда ёрдам бериш, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув-семинарларини ташкил қилишдир.

Ёш тадбиркорлар манфаатларини химоя қилиш, имтиёзли микрокредитлар олишда кўмаклашиш, яратилаётган кенг имкониятлар билан уларни таништириш, уй меҳнати ва касаначиликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида 2008 йилдан буён “Микрокредитбанк” ҳамда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида “Ёш тадбиркор-юртга мададкор” лойиҳаси ўтказилиб келинмоқда. Ҳаракат томонидан лойиҳа доираси 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёш тадбиркорларга бошланғич сармояни шакллантириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан 500 баробаригача бўлган миқдорда, 2 йилгача бўлган муддатга 3-6 фоизли имтиёзли микрокредитлар олишда амалий ёрдам кўрсатилади. Хусусан, “Микрокредитбанк” томонидан ёш тадбиркор ва коллеж битирувчиларини қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар миқдори йилдан йилга ошиб борган. Жумладан, 2010 йилда 3,6 млрд.сўм, 2011 йилда 5,5 млрд сўм 2012

йилда 10,1 млрд.сўм. миқдоридаги микрокредитлар ёш тадбиркорларга ажратилган¹.

“Камолот” ЁИХ томонидан ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда вақтинча ишсиз юрган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида ёшларни ишга жойлаштиришлариغا қўмаклашадиган “Бўш иш ўринлари” ярмаркалари ташкил этилган.

Бугунги кунда “Камолот” ЁИХ қошида 4 та йирик “Ёшлар марказлари” ва 96 та “Ёшлар ижтимоий хизмат марказлари” фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказларда ташкил этилган 314 та тўғарак ва ўқув курсларида 2011 йилда 21 мингдан зиёд ёшлар бепул ўқитилган бўлса, 2012 йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 57 мингдан зиёд ёшларни ташкил этди.

Ёшларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган қизиқишларини эътиборга олган ҳолда 2012 йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича ўтказилган семинар-тренингларда 700 минг нафардан зиёд ёшлар қатнашди. Уларнинг бизнес лойиҳаларини тайёрлашга қўмаклашиш, тадбиркорлик соҳасидаги қонунчиликдан хабардор қилиш, давлат рўйхатидан ўтиш, ишлаб чиқариш соҳасидаги минитехнологиялар, хом ашёлар излаб топиш ва олиб келиш каби 6156 та мурожаатлардан 4715 тасига амалий ёрдам кўрсатилган.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш ҳамда микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш мақсадида “Камолот” ЁИХ Ўзбекистон савдо саноат палатаси, “Микрокредитбанк” ОАТБ, “Агробанк” ОАТБ, “Асака банк” ОАТБ,

¹ Яқин ҳамкор, ишончли қўмақдош. Микрокредитбанк матбуот хизмати маълумоти. // “Халқ сўзи” газетаси 56 (5730) - сон, 23 март, 2013.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ҳамкорлигида йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

Хусусан, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг 30 мингга яқин битирувчисини камраб олган (2011 йили 22 минг, 36,4 фоизга кўп). “Менинг бизнес ғоям” танловининг якуний босқичида 298 нафар битирувчига тижорат банклари томонидан 1,5 млрд. сўмга яқин микрокредит ажратиш бўйича тижорат банкларига тавсияномалар берилган.

Ҳаракатнинг ушбу йўналишдаги йирик лойиҳалари бўлмиш “Ёш тадбиркор - юртга мададкор”, “Ёш тадбиркор - келажакка пойдевор” танловларида 2008 йилдан буён 6 минг нафардан зиёд ёш тадбиркорлар иштирок этди. Ушбу танловларда 7,5 мингга яқин ёшларга тижорат банклари томонидан 28,8 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар олишда кўмаклашилди. Ушбу тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши натижасида 30 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Лойиҳалар давомида 165 нафар ёш тадбиркорларнинг 105 млн. сўм миқдордаги микрокредит фоизлари Ҳаракат томонидан тўлаб берилган.

Ёш тадбиркорлар учун мутахассислар томонидан тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, банкларда кредит сиёсатининг асосий талаблари, кредитни қайтариш жадвали устида ишлаш, нақд пул оқими жадвалини тузиш, корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, ўз ишини рўйхатдан ўтказиш муаммолари, бизнес режа ёзиш талаблари, бухгалтерия ҳисоботи асослари, корхона фаолиятини молиявий таҳлили мавзуларида амалий машғулотлар ўтказилади.

Биргина 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида 240 нафардан зиёд ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлашда ва ривожлантиришдаги турли масалаларда “Камолот” ЁИХ томонидан ёрдам кўрсатилган.

Бугунги кунда Камолот ЁИХнинг 16 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотларининг 4 мингдан ортиғи меҳнат жамоаларидаги бошланғич ташкилотлар ҳисобига тўғри келади. Ҳаракатнинг меҳнат жамоаларидаги бошланғич ташкилотлари нафақат мамлакатимизда ёшларга оид давлат

сиёсатини ижросини таъминлаш, балки соҳага малакали кадрларни кенг жалб этиш, уларни инновацион ғояларини амалга оширишга кўмаклашиш, меҳнат билан банд бўлган ёшлар орасидан ижтимоий-сиёсий фаол табиий етакчилик қобилиятига эга бўлган кадрларни излаб топиш ва тарбиялаш, уларнинг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини ҳаётга татбиқ қилиш орқали фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга хизмат қилишдан иборат.

Шу боис ҳам, “Камолот” ЁИХ томонидан ҳозирда корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотларнинг иш самарадорлигини янада жонлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган ўқув-семинарлар, танловларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёшларни қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорликга жалб қилиш ва қишлоқларнинг чекка ҳудудлардаги ёшларни иш билан таъминлаш, шунингдек, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш ва қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида 2009 йилдан бошлаб “Ёш тадбиркор камолоти-қишлоқ тараққиёти кафолати” танлови ўтказилади. Ушбу лойиҳалар доирасида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёш тадбиркорларга энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоригача сармояни шакллантириш ва айланма маблағларни ривожлантириш кредитлар ажратилишига “Камолот” ЁИХ томонидан кўмаклашиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўтган йиллар ичида Ўзбекистон Республикасида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича ҳуқуқий база шакллантирилиб, ёшлар ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи ва таъминловчи иқтисодий ва ҳуқуқий механизм яратилган.

II-БОБ. ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

2.1. Хорижий давлатлар ёшлар ташкилотларининг ижтимоий- сиёсий ҳаётдаги фаолияти

Ёшлар ташкилотларининг вужудга келиши жараёни ўзига хос тарихий ривожланиш оқибатида юзага келган. Хусусан, Америка Қўшма Штатлари ёшлар ташкилотлари фаолиятини таҳлил этадиган бўлсак, дастлабки ёшлар ташкилотлари АҚШда XIX асрнинг 30 - йилларида ташкил топган бўлиб, диний мафкура ва мақсадларни илгари сурган. Бундай ташкилотларга 1831 йилда Филодельфия штатида тузилган “Ўсмирлар миссионерлик жамияти” ва бугунги кунгача ўз фаолиятини давом эттириб келаётган “Ёш эркалар Христианлик Ассоциацияси” киради.

Бундан ташқари, бу ташкилотларнинг асосий мақсади: ижтимоий-сиёсий ва таълим соҳасида ёшларга ёрдам бериш, муаммоларини ечишда кўмаклашиш ва бу соҳаларда уларнинг иштирокини фаоллаштиришдан иборатдир. Ҳозирда “Ёш эркалар Христианлик Ассоциацияси” 110 та давлатда 30 миллиондан ортиқ аъзоларни бирлаштирган.

XIX асрнинг биринчи ярмида ёшлар асосан ўз ташкилотларини тузиб, феодал ва истибдод тузумига қарши фаол кураш олиб борган. Шунингдек, XIX асрнинг иккинчи ярмида кўпгина Европа давлатларида ёшлар гуруҳлари ёш ишчилар ҳаракатига бирлашганлар.

Ўтган асрнинг 90-йилларида кўплаб ёшлар ташкилотлари тузилиши жиҳатидан бир хил йўналишда фаолият олиб борувчи ва ёшлар муаммоларини бартараф этишга қодир бўлган ёшлар ташкилотлари вужудга кела бошлаган. Шу билан бирга ёшлар ташкилотлари ёшлар жамғармалари сифатида ҳам фаолият юритган.

Ёшлар сиёсатини амалга оширувчи асосий инструмент бу ёшлар ташкилотлари ҳисобланади. Аммо кўплаб давлатларда ёшлар сиёсатини амалга оширишда ёшлар ташкилотларининг функцияси тўғри белгилаб

олинмаган. Ҳозир дунёда 50 дан ортиқ халқаро ёшлар ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, “Жаҳон Демократик Ёшлар Федерацияси” ва “Халқаро Талабалар Иттифоқи” каби ташкилотлар ёшларнинг фаоллигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Бу ташкилотларда дунёнинг барча минтақаларидаги 100дан ортиқ мамлакатлардан прогрессив ёшлар ва талабаларнинг миллий уюшмалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг фаолияти БМТ, ЮНЕСКО ташкилотлари томонидан тан олинади ва юқори баҳоланади. Бундан ташқари, ҳозирги кунда ёшлар ижтимоий ҳаракатларини давлат томонидан таъминладиган ва сиёсий партиялар томонидан ўз ҳимоясига олинганларга ажратиш мумкин. Буларнинг айримлари ўзининг сиёсий йўналишини сақлаб қолганлар, бошқалари эса ўз ёшлар ҳаракатларини ташкил қилганлар. Хусусан, Россияда “Яблоко” либерал партияси ўзининг ёшлар бўлимига эга, бундай бўлим “Россия миллий бирлиги”да ҳам бор.

Шунингдек, Словакиядаги “АМАVЕТ” ёшлар бирлашмаси сиёсий йўналишга эга эмас, унинг мақсади ёшларга ўз қобилият ва имкониятларини намойиш этишга кўмаклашишдан иборат. Айрим ташкилотлар маданий йўналишда бўлиб, миллий маданиятни тарғиб қилиш, тиклаш ва ривожлантириш мақсадида ёшларни бирлаштирган бўлса-да, буларнинг айримлари диний тус олмоқда. Европанинг айрим мамлакатларида миллий озчиликнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ёшлар ташкилотлари вужудга келган. Масалан, Словакияда венгер ва лўли ёшларининг ташкилотлари мавжуд.

Сўнгги ўн йиллик кузатувлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаги, ёшлар томонидан анъанавий ёшлар ташкилотлари ўрнига янги шаклдаги жамият ҳаётини ривожлантиришга қаратилган турли ноанъанавий ташкилотлар, ёшлар гуруҳлари, алоҳида дастур ва лойиҳаларни амалга оширувчи ташкилотлар тузишни ёқловчи ёшлар тузилмалари вужудга кела бошлади.

МДХ мамлакатларининг деярли барчаси ёшлар сиёсатида доир кўпгина масалаларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, Россияда 1999 йилда

“Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракати” вужудга келди. Ҳозирги кунда мазкур ҳаракат Европа ва Осиё мамлакатларининг 30 та ҳудудларидаги 60 дан ортиқ ёшлар ташкилотлари ва гуруҳларини бирлаштиришга муваффақ бўлди. “Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракати”нинг ташкил қилинишидан асосий мақсад: ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, ёшларни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган¹. Шу билан бирга, “Ўнг ёшлар ҳаракати” (“Молодёжное движение правых”)², “Эзгулик йўллари” ёшлар ҳаракати (Молодёжное движение “Дорогами добра”)³, “Православ талаба ёшлар ҳаракати” (“Студенческое православное молодёжное движение”)⁴ ва бошқа кўплаб ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилган. Ёшларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга йўналтирилган ташкилот Кореяда “Ёшлар ҳаракати” (“Молодёжное движение Кореи”) вужудга келган. Мазкур ҳаракат минтақавий ижтимоий ташкилот бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади мамлакатда экологик хавфсизликни таъминлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, маданият, спортнинг ривожланишига кўмаклашишдан иборатдир⁵.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёшлар ўртасида мафкуравий иммунитетни шакллантиришда юзага келган муаммолар МДХнинг қатор мамлакатларида ўзининг салбий оқибатларини кўрсатди. Бу эса Россия Федерациясида кўплаб миллатчилик, экстремистик, скинхед, неофашистик радикал гуруҳларнинг пайдо бўлишига, ўсмирларнинг қатор секталар таъсирига тушиб қолишига сабаб бўлган. Шунингдек, ёшларнинг мактабларда фашизм, нацизм, миссионерлик мафкураларига қарши иммунитетини шакллантирилмаганлиги, миллий қадриятларга нигилистик муносабатда бўлишга олиб келди¹.

¹ Қаранг: Молодёжное правозащитное движение.- <http://www.yhrm.narod.ru/>.

² Қаранг: Молодёжное движение правых .- <http://www.lenta.ru/>.

³ Қаранг: Молодёжное движение “Дорогами добра”.-<http://www.e1.ru/>.

⁴ Қаранг: Студенческое православное молодёжное движение.- <http://www.provoslavie.ru/>.

⁵ Қаранг: Молодёжное движение Кореии.- <http://mdk.karelia.ru/>.

Бундан ташқари, Марказий Осиё мамлакатларида ёшлар ташкилотлари фаолиятини қуйидагича таснифлаш мумкин:

Қозоғистонда энг оммавий ва кўп сонли ташкилот “Жас Отан”, яъни “Ёш Ватан” ташкилоти бўлиб, у “Отан” сиёсий партиясининг ёшлар қаноти ҳисобланади.

Туркменистонда 1991 йилда ташкил этилган Маҳтумқули номидаги “Галкыныш” (“Тикланиш”) ёшлар умуммиллий ҳаракати мамлакатнинг энг йирик ташкилоти ҳисобланади. Тожикистонда эса Ёшлар иттифоқи ташкилоти фаолият юритади. Хорижий давлатлардаги ёшлар ва болалар жамоат ташкилотларининг ўзига хослиги давлат томонидан қўллаб-қувватланиб келинаётганлиги билан ифодаланади. Ҳар бир мамлакатда ўзига хос давлат қурилиши ва бошқарув тизимига мос равишда ёшлар сиёсатини юритишнинг турли механизмлари ва тизимлари қарор топа бошлади.

Хусусан, Германияда Оила, қариялар, ёшлар ва спорт ишлари вазирлиги ёшларга ўз муаммоларини ўзлари ҳал қилишлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш, ижтимоий кафолатларни таъминлаш билан шуғулланади.

Бундан ташқари, Германия Федератив Республикасида 90 га яқин минтақалараро ёшлар ташкилотлари ва кенгашлари фаолият олиб бориб, ёш аҳоли қатламнинг 25 фоизини қамраб олган. Шунингдек, ёшлар ишларини олиб боришда давлат кенгаши, диний ташкилотлар, фондлар ва бошқа мустақил ташкилотлар фаол иштирок этади. Шунингдек, федерал ҳукуматнинг ёшлар сиёсатини амалга оширишдаги бош инструменти ёшлар ва болаларга йўналтирилган бюджет Федерал режаси бўлиб, ушбу режа ёшлар ва болалар ташкилотларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Хорижий давлатлар ёшлар ташкилотлари хусусан, Россия Федерацияси, Корея, Япония каби ривожланган давлатлар тажрибаси ёшларни ҳар томонлама баркамол ва етук шахс бўлиб етиштиришда катта роль ўйнайди.

Хулоса ўрнида жаҳондаги кўплаб ёшлар ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар тажрибаси ва фаолияти анча эрта шаклланган бўлиб, ёшларни сиёсат, ижтимоий-иқтисодий соҳа тараққиётида муносиб ўринга эга бўлишларида катта ҳисса қўшганлиги билан бир қаторда, ёшларнинг фаоллигини ошириш, жисмоний ва маънавий баркамол бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади.

2.2. Ўзбекистон Республикасида ёшлар ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд муаммолар таҳлили

Жамият ва давлат тараққий этишида ёшларга оид сиёсат ва ундаги муаммоларни бартараф этиш асосий вазифаларимиздан биридир. Шунинг учун ёшлар ташкилотларидаги муаммолар ҳам ушбу соҳанинг бир қисми сифатида эътироф этилади. 1991 йилнинг 20 ноябрида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат бош ислоҳотчи бўлган давлатнинг ёшлар масаласига доир стратегик йўналишларини изчил ва тизимли равишда босқичма-босқич амалга ошириш йўллариини белгилаб берди. Ушбу қонунда қуйидагилар устивор вазифалар ҳисобланади:

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлаш;
- ёшларга доир қонунчиликда ва ҳукумат томонидан белгиланган чора-тадбирларни янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнига мос равишда босқичма-босқич амалга ошириш;
- ёшлар сиёсатини юритувчи нодавлат тузилмалари тармоғини кенгайтириш ва такомиллаштириш, уларнинг ёшлар тарбиясидаги фаолиятини кучайтириш;
- мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш: Ўзбекистоннинг буюк келажагини қуриш йўлида ёшларнинг ижодий имкониятларини тўлароқ намоён этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- ёшлар муаммоларини ҳал этишга уларнинг ўзларини кўпроқ жалб этиш, уларда ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўникмаларини шакллантириш;
- ёшларни сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ёшлар ташкилотлари фаолиятидаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш долзарб ҳисобланади. Жумладан, Республика Олий Мажлиси биринчи сессиясида ёшлар ишлари бўйича комиссия тузилиши ва унинг 2000 йил 11 февралда алоҳида қўмига айлантирилиши қонунда белгиланган талабларнинг бажарилиши борасидаги ҳаракатлардан далолат беради. Бу ҳаракатлар мамлакатимизда ёшлар сиёсатини амалга ошириш механизмлари ривожланган давлатлардаги каби такомиллашиб бораётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин барча соҳалар қатори ёшлар ташкилотлари фаолиятида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, ёшлар ташкилоти 1992-1996 йилларда “Ўзбекистон Ёшлари Иттифоқи” номи билан фаолият юритган, у аъзоликка асосланган бўлиб, фаолиятини аъзолар томонидан тўланадиган бадаллар ҳисобига йўлга қўйган. “Ўзбекистон Ёшлари Иттифоқи” фаолиятида:

Биринчидан, аъзолардан бадал йиғиш, уларнинг ҳисобини олиб бориш, ҳисоб варақалари юритиш каби бюрократик вазифалар мавжуд бўлган.

Иккинчидан, бу ташкилот сиёсат, мафкура масалалари билан шуғулланган, собиқ “комсомол” ташкилотининг изидан кетган.

Учинчидан, Ўзбекистон “Ёшлари Иттифоқи” бозор иқтисодиётига ўтиш даври билан ҳамнафас фаолият олиб бормаган. Юқорида келтириб ўтилган ва шунга ўхшаш камчиликлар бу ташкилот фаолиятини қайта кўриб чиқиш масаласини юзага келтирди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2001 йил 24 январда Оқсаройда ўтказилган ёшлар масалаларига бағишланган йиғилишда “Камолот” жамғармаси фаолиятига қуйидагича баҳо берди: “Барчангиз хабардорсиз, бундан беш йил муқаддам яхши орзу-умидлар билан ёшларимизнинг бошини қовуштирадиган, уларнинг ҳаётий муаммоларини ечишга кўмак берадиган ташкилот тузиш мақсадида “Камолот” жамғармасини ташкил этган эдик.

Ўтган вақт мобайнида бу жамғарма муайян ишларни амалга оширган бўлсада, афсуски, бу соҳага мутасадди бўлган раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва очик айтишимиз керак, шу масалага барчамиз етарли эътибор бермаганимиз натижасида “Камолот” ёшларнинг ҳақиқий маънодаги етакчиси ва ҳимоячисига айлана олмади. Ҳолбуки, бу ташкилотнинг фаолият бошлаши, оёққа туриб олиши учун ўз вақтида давлат томонидан катта маблағ ажратилган ва кўмак берилган эди.

Бунинг қуйидаги асосий объектив ва субъектив сабабларини келтириш мумкин:

Биринчидан, жамғарманинг таъсис ҳужжатларида ўзини ўзи маблағ билан таъминловчи жамоат бирлашмаси сифатида эътироф этилиши унинг дастурий мақсад-вазифаларини бажариш учун тадбиркорлик орқали маблағ топишга мажбур қилди. Бу ҳол жамғарманинг қуйи бўлимлари иқтисодий аҳволини ачинарли ҳолатга олиб келди, ёшлар тарбияси борасидаги долзарб муаммоларни бартараф қилиш ишларига салбий таъсирини кўрсатди, яъни маблағ топиш масаласи кун тартибида биринчи ўринга кўтарилди. Бунинг натижасида жамғарма тизимида яхши кадрларнинг кетиб қолиш ҳоллари тенденцияга айланди ва кадрлар қўнимсизлиги вужудга келди;

Иккинчидан, ташкилотнинг жамғарма деб номланиши ҳам, қайсидир бир маънода, жамғарма ходимлари ва кўпчилик фуқаролар тасаввурида молиявий ёрдам кўрсатувчи ҳайрия ташкилоти сифатида гавдаланишига сабабчи бўлди. Амалдаги қонунчиликка асосан жамғарманинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ижтимоий фонд сифатида эътироф этилган эди. Бу эса жамғарманинг ёшлар тарбиясига оид ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш функциясини инкор этди. Ёшларнинг ташкилотга аъзо бўлиш тушунчаси йўқолди. Жамғарма ўз функцияларини бажара олмай қолди. Натижада, жамғарма ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди¹.

¹ Президент И.Каримовнинг “Камолот” ёшларимизнинг чинаккам суянчи ва таянчи бўлсин мавзуидаги йиғилишда сўзлаган нутқи. // “Халқ сўзи”. 2001 йил 25 январь.

Шу билан бир қаторда ёшлар билан боғлиқ кўпгина муаммоларни қуйидаги асосий гуруҳларга бўлиш мумкин:

- ёшларга хос бўлган ижтимоий муаммолар: Буларга ёшларнинг ижтимоий гуруҳ сифатидаги моҳиятини белгилаш; жамиятнинг барча жараёнларидаги ўрни ва ролини баҳолаш; унинг даврий чегараларини аниқлаш; ёшлар ижтимоийлашувига хос хусусиятларнинг спецификасини ўрганиш; уларнинг ижтимоий, касбий йўналганлиги, жамоада адаптациялашувини таҳлил этиш; ноҳукумат, ижтимоий ҳаракат ва бирлашмалар фаолиятининг ижтимоий жиҳатларини ўрганиш.

- умумсоциологик аҳамиятга эга бўлган муаммолар (никоҳ, оила, таълим жараёнлари билан боғлиқ) ёки фақат ёшлар доирасида намоён бўладиган муаммолар (тарбиянинг хусусиятлари, унинг спецификаси ва самарадорлиги, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ривожлантириш, давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш ва ҳ.к.).

Ўзбекистонда ишсизлик муаммосини ҳал қилиш жамият олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. Чунки ўтиш даврида ўзига хос демографик, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга эга бўлган мамлакатимизда ишсизликнинг ўсиб боришига олиб келувчи бир қатор омиллар мавжуд. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ислохотларни амалга ошириш жараёнида қишлоқ хўжалигида банд бўлган ижтимоий ишлаб чиқариш ходимларининг учдан бир қисмидан кўпроғини бўшатиб олиш зарурлиги¹;

- қишлоқ хўжалигининг ўзи қишлоқ жойларда яшаётганларнинг ҳаммасини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлай олмаётганлиги;

- айрим қўшни давлатларда барқарор тинчликнинг йўқлиги, айрим аҳоли қатлами иқтисодий аҳволининг ёмонлашуви, у ерда истиқомат қилаётган ўзбекларнинг барқарор тинчлиги таъминланган, иқтисодий

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликга таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.- Б. 209.

жиҳатдан бирмунча ривожланган ва аҳолининг яшаш шароити яхшиланиб бораётган Ўзбекистонга кўчиб келиш муаммосининг мавжудлиги;

- ўтиш даврида иқтисодий жиҳатдан заиф бўлган, бозор муносабатларига ўтиш чораларини ишлаб чиқмаган, ўз вақтида ўтиш механизмини яратмаган, унинг объектив қонунларига риоя қилмаган корхоналарнинг рақобатга бардош бера олмаслик ва банкротга учраши натижасида синиши ва эндиgina оёққа туриб келаётган ишбилармонларнинг фаолияти тугаши ва ҳ.к.

Ҳозирги кунда иш билан банд бўлган ёшларнинг кўпчилиги савдо-сотиқ соҳасининг иштирокчиларига айланиб қолган. Бундай жараёнлар иқтисодий ўзгаришларни бошдан кечираётган кўпгина мамлакатлар (Масалан, Польшада ёшларнинг 25 фоизи, Латвияда 23 фоизи)¹, жумладан, Ўзбекистонга ҳам хос. Ёшларнинг айнан савдо-сотиқ соҳасига кириб боришини мазкур соҳа учун алоҳида тайёргарлик, профессионал билим талаб қилинмаслиги билан тушунтирса бўлади. Аммо ёшлар орасида ишсизлик ҳамон мавжудлигига қарамасдан, уларнинг ҳар учинчиси иш билан таъминланган. Ўтиш жараёнида ёшларнинг меҳнат бозорига кириб бориши ўзгарганлиги туфайли ишга йўлланиш шартлари ҳам анча ўзгарган. Охириги ўн йилликлар давомида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар туфайли саноат соҳасидаги иш билан бандлик масаласида катта ўзгаришлар рўй берди. Мазкур масалани тадқиқ қилиши Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши билан боғлиқ. Янги сиёсий тизимнинг шаклланиши, жамиятдаги мафкуравий ўзгаришлар, эски ёшлар ташкилотларининг тарқаб бориши, янгиларининг эса ҳали ташкил қилинмаганлиги ёшларга катта салбий таъсир кўрсатганди. Шунингдек, ёшлар сиёсий ҳаёти билан боғлиқ муаммолар нафақат мамлакатимиз ҳамда ривожланган мамлакатларнинг кўпгина олимларини қизиқтириб келмоқда.

Ёшлар орасидан давлат ва жамият қурилишида:

¹ Қаранг: Молодёжь в меняющемся обществе // Региональный мониторинговый доклад ЮНИСЕФ. - 2000., - №7. - С. 77.

А) самарали ишлай оладиган;

Б) масалаларни ҳал этишда ҳақиқий давлат арбобидек ёндашадиган;

В) сиёсий онг ва маданияти юксак;

Г) сиёсий қадриятларни юксак баҳолай оладиган маданиятли;

Д) билимли, ватанпарвар;

Е) сиёсий-ижтимоий, маданий ҳаёт муаммолари ҳамда фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари учун масъулиятни зиммасига оладиган ёшлар жамият ривожини таъминлашга хизмат қилади.

Бу ёшлардан унга муносиб бўлиш ва катта масъулият талаб этади¹.

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштироки билан боғлиқ ютуқлар билан бирга айрим муаммолар ҳам мавжуд. Бу:

- ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этиш институтларининг яхлит тизими ва унинг ишлаш механизмнинг тўла мукаммаллашмаганлиги билан характерланади;

- ёшларнинг жамият ва давлат томонидан яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаслик ҳолатлари мавжуд;

- ёшлар орасида ўзаро ишонч, ўз иштирокининг юқори баҳолаш билан бирга, баъзан хотиржамлик, бефарқлик ҳамда ички антипатия ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Ўзбекистонда ёшларнинг сиёсий иштироки, меҳнат шароити, ҳаёт тарзини ўзгариши ўртасида боғлиқлик кузатилади. Ёшларни ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки қатор шаклларда намоён бўлади.

Биринчидан, сиёсий тизим, унинг институтлари ва вакиллари фаолиятига муносабат билдириш, бу шакл ёшларнинг юқори даражадаги фаоллигини тақозо этмайди;

Иккинчидан, кузатиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш (электорал феъл-атвор);

Учинчидан, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари фаолиятида иштирок этиш;

¹ Каримов И. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2005. - Б. 69.

Тўртинчидан, давлат бошқаруви тизими таркибига кирувчи институтлар доирасида масъул лавозимларда фаолият юритиш;

Бешинчидан, сиёсий ҳатти ҳаракатларда бевосита иштирок этиш, жумладан, референдум, йиғилишлар имзолар тўплаш жараёнида фаол қатнашиш.

Ўзбекистон Республикасида Қамолот ЁИХ фаолиятидаги мавжуд ютуқлар ва қамчиликларни таҳлил қилишда, шунингдек, муаммоларни бартараф этишда қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни эътироф этиш мумкин.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш соҳасида:

- қонунлар устидан жамоатчилик назоратини шакллантиришда “Қамолот” ЁИХнинг фаоллигини ошириш;

- тадбир, лойиҳаларни сифатли ўтказиш мақсадида мониторинг тизимини қўллаш;

- тадбир, танловларнинг қамровини кенгайтириш ва замонавий талаблар даражасида лойиҳалаштиришни ташкил этиш;

- ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тезкор амалий ёрдам кўрсатадиган мулоқотни таъминлаш;

- ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишда ўзини ўзи бошқариш, фуқаролик, оила институтлари билан ҳамкорлик бўйича комплекс дастурларни амалга ошириш.

Маънавий – маърифий соҳада;

- “Ёшлар маркази” фаолиятларини жонлантириш;

- йил давомида ўтказиладиган тизимли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ташкил этиш орқали ёшлар онги ва қалбига етиб бориш;

- кенг ёшлар оммасини бирлаштирувчи тадбир, танлов, мусобақаларни нафақат вилоят ёки шаҳар марказларида, балки туман босқичларида ҳам ўтказиш;

- “оммавий маданият”нинг турли хуружларидан ҳимоя қилишга қаратилган янада таъсирли тадбирлар лойиҳасини тузиш ва ёшларни кенг жалб этишга эришиш.

Ижтимоий-иқтисодий соҳада:

Ушбу соҳадаги дастурий йўналишнинг бош мақсади - ёшларнинг замонавий касб-ҳунарларни эгаллашга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ва шу ўринда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратишдан иборат. Жумладан:

- консултатив марказларни ташкил қилиш орқали чекка ҳудудлардаги ёшларни тадбиркорлик фаолиятини олиб боришларига кўмаклашиш;
- маҳаллалардаги вақтинча ишсиз ёшлардан ҳудуддаги ижтимоий соҳа қурилиш объектларига жалб қилиш;
- уч томонлама тузилган шартномалар асосида битирувчиларнинг ишга жойлашиши юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;
- қишлоқ жойларда яшайдиган қизларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, ёш oilалар билан ишлаш.

Ёшларнинг истеъдод ва қобилиятларини қўллаб-қувватлаш соҳасида:

Ушбу соҳа дастурий йўналишнинг бош мақсади - истеъдодли ва қобилиятли ёшларни излаб топиш, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиладиган илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ва илмий ишларини амалиётга татбиқ этишда кўмаклашиш.

Халқаро фаолият соҳасида:

Ушбу соҳада дастурий йўналишнинг бош мақсади - ёшларнинг хорижий ёшлар ташкилотлари билан тажриба алмашишларига шароит яратиш ҳамда хорижий ёшлар ташкилотлари билан делегациялар айрибошлаш, мамлакатимиз ёшларининг муносиб вакилларини халқаро анжуманлар, кўрик-танловлар, фестивалларга юбориш.

Соҳада ўтказилган лойиҳалар:

Хусусан, 2006-2011 йиллар давомида Миср Араб Республикаси, Азарбайжон, Жанубий Корея, Германия ва бошқа бир қатор давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилинган;

- Миср Араб Республикаси ёшлар Миллий Кенгаши билан Англашув Меморандуми имзоланган;

- Озарбайжон ёшлар ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорлик режаси имзоланган;

- Озарбайжон, Австрия, Жанубий Корея, Германия ҳамда Миср Араб Республикаларига Ҳаракатнинг 7 нафар делегацияси юборилган;

Соҳа доирасида 4 та Халқаро анжуман ўтказилган.

Хулоса сифатида Камолот ЁИХ фаолиятидаги мавжуд муаммоларни олдини олиш ва бартараф этиш ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш мақсадида қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳаракатнинг ўқув-методологик базасини ҳамда тизим ходимлари ва етакчиларини доимий малака ошириш тизимини такомиллаштириш;

- бошланғич ташкилотлар фаолият самарадорлигини ошириш;

- Ёшлар ижтимоий хизматлари марказларининг фаолиятини такомиллаштириш;

- кўп миллатли мамлакатимизда истиқомат қилаётган ёшлар ўртасида миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган дўстлик фестиваллари, учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш;

- уюлмаган ёшлар билан ишлаш мақсадида бошланғич ташкилот етакчиларини ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиш, жамоатчилик асосида Етакчилар Кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш;

- маънавий-маърифий, ҳуқуқий ва соғлом турмуш тарзига оид тарғибот ишларини самарадорлигини ошириш;

- ёш оилалар билан ишлаш, уларга ҳар томонлама ёрдам ва кўмак бериш;

- ёшларни оммавий спортга жалб этиш, ёшларни касб-хунарга ўргатиш ва иш билан таъминлашни амалга ошириш;

- телевидение, радио, даврий нашрлар ва интернет орқали ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи, маънавий қадриятлар ва баркамол авлод тарбиясини тарғиб этиш;

- хориждаги тенгдошлари билан алоқа ўрнатиш.

Шунингдек, ёшлар ташкилотлари мамлакат учун кадрлар етиштириш муаммоларини ҳал этишда асосий кучга эга механизм сифатида иштирок этади. Айтиш мумкинки, ёшлар ташкилотлари ёшларни ижтимоийлашувида, ижтимоий фаол бўлишида муҳим ўринга эгадир. Жамият тараққиётида, уни бошқаришда нафақат ижтимоий ҳаракатлар балки сиёсий партиялар, жамоат бирлашмаларининг ўрни катта аҳамият касб этади. Сиёсий партиялар маълум бир ижтимоий гуруҳлар, табақаларнинг манфаатларини ифодалайди ва уларга хизмат қилади. Сиёсий партияларни “йўлбошчилар” деб аталадиган энг обрўли, тажрибали кишилардан иборат бирмунча барқарор гуруҳлар идора қилади¹. Ана шу гуруҳлар таркибида ёшларнинг бўлиши келажакда сиёсий фаол етакчи кадрларни шаклланишида муҳим омил ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда ёшлар сиёсати давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган давлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти ёшларни маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш, уларни ҳаётда ўз ўрнини топишларида кўмаклашиш, ҳаёти давомида дуч келаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган. “Камолот” “ЁИХ” эса мамлакатимиз ёшларининг йирик ташкилоти сифатида кўпчилик ёшлар ва жамоатчилик томонидан тан олинган.

2.3. Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш муаммолари ва ечимлари

Глобаллашув жараёнида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга тўсқинлик қилувчи омиллар кўпайиб бормоқда. Натижада, бугунги кунда “оммавий маданият” тушунчаси пайдо бўлиб, у ўсиб келаётган авлод дунёқарашида турли хил ёт унсурларни шаклланишига таъсир этиб келмоқда. Хусусан, ижтимоий тармоқларни ёшлар орасида кенг тарқалиши, табиий равишда бу ҳолатни илмий жиҳатдан асосли тарзда ўрганиш, тадқиқ этиш заруратини туғдирмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш жамият маънавий ҳаётининг юксак даражада бўлишини, инсоннинг ғоявий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий, маърифий етуклигини тақозо этадиган тарихий заруриятдир. Халқнинг маънавий-руҳий етуклиги бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан биридир¹. Бу борадаги ишларни самарали ташкиллаштириш мақсадида Президентимиз И.Каримов томонидан “Маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий информацион ва компютер технологияларини кенг жорий этиш, мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бугунги кунда муҳим вазифамизга айланиб бораётганини чуқур тушуниб олишимиз зарур” деб билдирган фикрлари фикримизни яққол ифодасидир. Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллик даражасини оширишга имконият берувчи ва тўсқинлик қилувчи омилларни қуйидагича таснифлаш мумкин.

1. Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллик даражасини оширишга имконият берувчи омиллар:

- давлат томонидан яратилган имкониятлар;
- оила, маҳалла, таълим муассасаси, ёшлар ташкилотининг фаолиятида ижтимоий шерикчилик механизмининг фаол ишлаши;

¹ Қаранг: Рустамова М. Ёшларда тафаккур маданиятини шакллантиришнинг фалсафий жиҳатлари. - Т.: Мехнат, 2000.

- ёшлар ташкилотлари томонидан ёшларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар;

- ёшлар иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар.

Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллик даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи омиллар:

- ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги;

- ота-оналар ва жамоатчилик томонидан ёшларга нисбатан эътибор ва маъсулиятнинг йўқлиги;

- ёшлар ўртасида турли хил турдаги зарарли иллатларнинг кенг тарқалиши (наркомания, ичкилик, фоҳишалик);

- ёшлар ўртасида эрта никоҳ қуриш ҳолати;

- деструктив ғоялар ва ғарб маданиятига интилиш.

Хусусан, Интернетдаги ижтимоий тармоқларнинг ёшларга салбий таъсир этувчи хусусиятлари мавжуддир. Психологларнинг мулоҳазаларига кўра, ўсмирлик шахснинг физиологик ва ижтимоий ривожланишидаги ўзига хос даври бўлиб, бу даврда ўсмирлар агрессив рухдаги томошаларга, онлайн ўйинларига берилса, бу нохуш оқибатларга олиб келиши қайд этилган. Шунингдек, Европа глобал тармоғида бузғунчи сайтлар мавжудлиги ҳамда вертуал фирибгарлик таъсирига тушиб қолиши мумкинлигини инобатга олмаган ёшлар турли Интернет сайтларга кириши туфайли рухий ва ҳатто жисмоний саломатлигига зиён етказувчи ахборотларга дуч келмоқда.

IDC аналитик компаниясининг тадқиқотчилари АҚШ, Бразилия ва Россия мамлакатларининг 15 дан 24 ёшгача бўлган 302 нафар фуқароси фикрини аниқлаши натижасида шундай хулосага келдилар: саволларга жавоб берганларнинг барчаси глобал тармоқнинг қулай, фойдали ва хавфсиз, деб тан олганлар. IDC таҳлилчиларининг таъкидлашларича, ёш америкаликлар руслар ва бразилияликлардан фарқли равишда, Интернет билан мулоқотга одатдаги ҳол деб қарайдилар.

Бундан ташқари, Испаниянинг Болаларни ҳимоя қилиш агентлиги (Child Protection Agency) тадқиқот натижаларига кўра, Интернетдан доимий равишда фойдаланувчи болаларнинг 44 фоизи виртуал мулоқот пайтида ҳеч бўлмаганда бир марта, 11 фоизи эса бир неча бор таъқиб остига олинган. Бундан ташқари, сўровларда иштирок этган ёшларнинг 14,5 фоизи Интернет орқали нотаниш одамлар билан учрашув белгилаган, 10 фоизи бундай учрашувларга ёлғиз борган, 7 фоизи бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса айтмаган. Шунингдек, дунё миқёсида эса 38 фоиз болалар зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26 фоиз бола миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни доимий кузатиб бориши маълум бўлди. Бундан ташқари, Юнисеф томонидан ўтказилган сўровлар Интернетдан фойдаланадиган болаларнинг 90 фоизи ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60 фоизи эса бу турдаги ахборотни мақсадли равишда излаганини кўрсатди.

Бундан ташқари, “The Royal Pingdom” таҳлилий компанияси маълумотларига кўра, ҳозирда дунёда интернетдан фойдаланувчилар сони 2,1 млрд. кишини ташкил этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси маълумотларига кўра, республикада 2011 йилнинг 1 ярим йиллиги бўйича Интернетдан фойдаланувчилар сони 7,5 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2012 йилнинг 1 ярим-йиллигида 9,1 млн. кишига етган. Ушбу кўрсаткич 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 21,3 фоизга ўсган. Бундан ташқари, 2012 йил якуни бўйича, Интернетдан фойдаланувчилар сони 10 млн. кишини ташкил этиб, шундан 80 фоизни ёшлар ташкил этмоқда. Шу билан бирга 2012 йил ҳолати бўйича мамлакатда 1032 та Интернет кафе, 939 та Интернет провайдер, 187 та ахборот ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда¹.

2012 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, оммавий ахборот воситаларига тегишли 196 та Интернет сайти ташкил этилган. 2012 йил 31 октябрь ҳолатига бўйича, Ўзбекистон Республикасида Интернет сайтларининг

¹ “Ёшларни ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2012 йил 9 ноябрь. Тошкент.

умумий сони 15543 тани ташкил этмоқда. Шунингдек, ёшларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланган вақтидатурли жаргонсўзларни ишлатиши салбий ҳолатларни келтириб чиқариши аниқланган. Хусусан, сўзларни бузиб гапириш, вулгаризм (фахш, сўқиниш, ҳақоратли сўзлар), варваризм (бошқа тиллардаги сўзлардан кўпол фойдаланиш) миллий тилни бузилишига олиб келади. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида 12 ёшдан юқори аҳолининг 65 фоизи Интернетда ишлаш имкониятига эга бўлиб, ушбу кўрсаткич 3,5 - 4 фоизни ташкил этмоқда. 2011 йилда “Ижтимоий фикр” тадқиқот Маркази томонидан ёшлар ўртасида ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, 65,7 фоиз ёшлар чет эл фильмларини салбий таъсири юқори эканлигини таъкидлаган фикрлар билдирган.

Ҳозирги кунда ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда миллий истиқлол мафкураси ва миллий ғоянинг ўрни бекиёсдир. Албатта, Аллоҳ таоло яратган барча мавжудот орасида энг етуғи ва мўъжизаси бу инсондир... Инсон ўзига юклатилган вазифа - Ер юзини обод қилиш, уни мукаммал ҳолатга келтириш учун доимо комилликка интилмоғи даркор”¹. Ёшларни комилликка етакловчи куч ва воситалар ҷамиятдаги муаммоларни олдини олишга қаратилиши, ёшларни маънавий баркамолликга етакловчи сифатида намоён бўлади. Ўзбекистонда авлоддан-авлодга ўтиб келган тарихий ва маданий қадриятлар ҳамда ўзига хос анъаналар сақланиб қолган. “Биз, деб таъкидлайди И.А.Каримов - маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз”². Дарҳақиқат, ушбу фикр ёшларни маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англаш руҳида тарбиялашда катта ўринга эга бўлиб келажакда ёшларнинг ҷамиятда ўз ринини топишда муҳим ўринга эгадир. Ёшларни тарихни

¹ Валихожаев Б. “Комил инсон-комил ҷамият: Алишер Навоий талқинида” // “Маърифат”газетаси, 2002 йил 23 январь.

² Каримов И. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.- Б 137.

билишга ўргатиш ва ўз тарихини ҳурмат қилиши энг асосий ютуқлардан биридир.

Тарихий тараққиёт йўлида инсоният тўплаган тажриба ва қарашлар тизими сифатида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади. И.А.Каримовнинг тарихчи олимлар билан суҳбатда:

“Тарих - халқ маънавиятининг асосидир”,¹ - деб айтган сўзларининг мазмун-моҳияти шу билан ифодаланади. Шунингдек, Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” китоби муқаддимасида унинг дунёга келишига сабаб бўлган улкан ғоявий тарбиявий эҳтиёж баён қилинди: “Ушбу китоб инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва аҳамиятга эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида атрофлича фикр юритиш, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини қураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаб олиш борасидаги ҳаётий эҳтиёж маҳсули сифатида дунёга келди”². Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили” давлат дастури тўғрисида”ги 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сон қарори асосида “Ёшларнинг эстетик эҳтиёжларини янгилаш ва ғоявий-ахлоқий жиҳатдан такомиллаштириш, паст савияли “оммавий маданият”нинг сохта қадриятларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш” (89-банд), маънавий-маърифий фаолиятга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш, ёшларда миллий анъаналарга, қадриятларга ҳурмат ва муҳаббатни, ёт ғоялар таъсирларига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш (97-банд)³ зарурати алоҳида вазифа сифатида белгилаб берилди.

¹Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. -Т.: “Ўзбекистон”, 1998.- Б. 438.

² Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008. - Б.176.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й. 5-сон, 37-модда, 17-сон, 130-модда.

Ёшларни турли таҳдид ва хавфларга қарши иммунитетини шакллантириш долзарб вазифалардан биридир. “Иммунитет” тушунчасини Ўзбекистондаги ижтимоий-маънавий жараёнлардан келиб чиқиб, тарбия билан боғлиқ таърифини Президентимиз Ислон Каримов бердилар. Яъни “Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида Она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатини қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур. Ана шунда жоҳил ақидапарастликнинг “даъвати” ҳам ахлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам ўз таъсирини ўтказа олмайди”.

Президент И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “Масаланинг моҳияти улар ҳаётга қандай билим, қандай интеллектуал ва маънавий бойлик, қандай замонавий билимлар билан кириб келишидадир. Улар қайси ғояларни илгари суради? Қандай маънавий қадриятларни афзал кўради? Ахир, гап биз мамлакат тақдирини ишониб топширадиган янги авлод ҳақида кетмоқда. Ёшларнинг ҳаёт тажрибалари етарли эмаслиги, дунёқарашлари тўлиқ шаклланмаганлиги, бунинг устига айрим ноҳолис кучлар ўз эътиборларини ёшларга қаратаётганлигини ёддан чиқармаслик, уларнинг таъсиридан ёшларни асраш биз учун муҳим масаладир. Албатта ёшларни жамиятда сиёсий ва ижтимоий мавқеини ошириш ҳам давр талаби ҳисобланади. Бугунги Мустақил Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, айниқса ёшларнинг сиёсий томондан етук бўлиши кераклигини тақозо этади. “... ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир¹”

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга имконият берувчи ва тўсқинлик қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва бартараф этиш долзарб ҳисобланади. Шу билан бирга

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон, 1999. - Б. 385.

ёшларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мамлакатда ёшлар сиёсатининг энг муҳим қисми бўлиб, жамиятда ёшларга яратилаётган барча имконият ва шарт-шароитлардан ёшлар унумли фойдаланиши келажакда ёшларни баркамол инсонлар бўлиб етишишида катта аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Мамлакатдаги ёшлар кайфиятлари ва уларнинг ислохотлар жараёнларига нечоғли тортилганлиги, ёшларнинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилашга қаратилган хоҳиш ва истаклари нуқтаи назаридан ўзига хос икки турдаги қарама-қарши вазият ва хусусият тадқиқот жараёнида ўзини ёрқин намоён этади:

- янгилик ва модернизация қилиш жараёнларига камарбасталик, улар моҳиятини чуқур англаш, ислохотлар мақсад ва мазмунини қўллаш, янги муносабатларга интилиш, изланиш, ўз ижтимоий овозига эга бўлиш учун ҳаракат, ўзига ва идрокига ишонч, ўз салоҳиятини жамият тараққиёти учун сарфлашга тайёрлик, шахс сифатидаги комилликка интилиш, ўз тараққиётини жамият ривожига билан боғлаш, бунёдкорлик ишларига тайёрлик, очиқ назар билан қараш ва соф кўнгиллилик;

- ёшлар ўртасида бефарқлик, бошқарув тизимларига ишончсизлик, барча нарсани мен учун давлат яратиш бериши лозим деган асосга қурилган боқимандалик кайфияти, ёт ғояларга нисбатан берилувчанлик, зиддиятларга мойиллик, ўз ижтимоий ҳолатидан норозилик, бирон ишга яроқсизлик, ўз келажагига ишончсизлик, конфликт вазият ва ҳолатлардан чиқиб кета олмаслик, мана шундай ҳолатларни ўзи яратиш, қонунларни билмаслик, билимсизлик, тушкунлик.

Шу билан бирга, ёшлар ўртасида таълим, меҳнат, маданият, қонунларга бўйсунуш, янги демократик тамойилларни англаш ва қабул қилиш, ижтимоий ва сиёсий онг, дин ва демократик жамият мувозанатига нисбатан турлича муносабат ва қарашлар ҳам мавжуд. Мазкур вазиятнинг мураккаблиги ва турличалиги, айниқса унинг қарама-қарши томонлари, ёшлар ўртасида тарғибот ва ташвиқот фаолиятини янада кучайтириш, унинг омма онгига таъсирчанлигини ошириш лозимлиги, бунда эса ёшлар ташкилотларининг масъулияти нечоғлик юқори эканлиги кўзга ташланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатдаги ёшлар масалаларини ҳал қилишда ёшлар ташкилотларининг вазифалари учун хос бўлган қуйидаги хулоса ва назарий умумлашмаларни билдириш мумкин:

- ёшларнинг жамият тараққиётидаги фаолиятларига йўл очиш ва уни таъминлаш учун уларнинг ўзларидаги фаоллик, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жараёнларига камарбасталик, ислохотларга ишонч, демократик кадриятларнинг абадийлигига суяниш фазилатларини тарбиялаш;

- ёшларнинг янгиликка интилиши, ташаббускорлиги, эркин бозор иқтисодиётига тез қўникиши, янги йўналишларни қўллаб-қувватлаши каби мавжуд юқори савиядаги ва ижобий йўналтирилган салоҳиятидан ўз вақтида холис ва рағбат асосида фойдаланишга эришиш, ёшлар ташаббусларининг “чўкиб” қолишига йўл қўймаслик;

- ёшларни соф, пок, меҳрибон қилиб тарбиялаш, уларни ўз ватани ва оиласининг ватанпарварларига айлантириш, ватанпарварликни ҳаёт тамойили ва мезонига айлантириш, мамлакат ривожини учун жон қуйдиришни фуқаролик фазилатига айлантиришга эришиш;

- соғлом авлод тарбиялаш фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва барча зарур имкониятларни яратиш, соғлом авлод тушунчаси сирасига эса нафақат жисмоний соғломлик, ички руҳий, психологик, маънавий ва мафкуравий соғломлик унсурларини киритиш, ёшлар соғломлигини умуминсоний ва миллий кадриятлар негизида қуриш;

- ёшлар сиёсати ва уни амалга ошириш масаласини миллий ва давлат ҳавфсизлигининг зарурий таркибий қисмларидан бири деб тан олиш, ёшлар давлат истиқбол ривожланишининг заҳира бойлиги эканлигини тарғиб ва ташвиқ этиш;

- ёшлар ўртасида сиёсий онг ва сиёсий тафаккур тамойилларини кенг сингдириш, уларда сиёсий маданият кўникмаларини шакллантириш, ёшларнинг ўз сиёсий онгини ошириши ва кўникмаларга эга бўлишлари учун табиий ривожланиш тизимларини яратиш ва улардан унумли фойдаланиш.

- ёшлар кайфиятлари, манфаатлари ва ижтимоий-сиёсий аҳволини ўрганиш ва илмий таҳлил этиш бўйича турли социологик тизимлар фаолиятини ривожлантириш, ёшлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволи мониторингини амалга жорий этиш.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ёшлар ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқдир:

- ёшлар ишлари билан шуғулланувчи структураларни тизимлаштириш (Вазирлик ташкил этиш);

- “Камолот” ЁИХ фаолияти ёшларнинг ташкиллаштирилмаган қисмини қамраб олиш механизмини яратиш орқали ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш (мигрант ёшлар ва б.);

- “Камолот” ЁИХ томонидан ўтказилаётган тадбирларни қамровини ошириш (фоиз ҳисобида.)

- ёшлар ташкилотлари ўз ҳаракат дастурларини қуйидан кўтарилаётган талаб ва таклифлар асосида тузиши;

- “Камолот” ЁИХда фаолият юритаётган кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришни янада кучайтириш(соҳалар бўйича);

- “Камолот” ЁИХнинг республикани чекка ҳудудларидаги бўлимларининг моддий-техник базасини талаб даражасида таъминлашни йўлга қўйиш;

- ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи илмий марказ фаолиятини йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси ва халқаро ҳуқукий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” ги Қонуни. 1991 йил 20 ноябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, 1997 йил 29 август.
4. “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. - 2004.-28 (112) - сон. 5-8 бетлар.
5. “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори. 2008 йил 10 октябрь.
6. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция. Болалар учун қисқача матн. Т.: 2009. 8-бет.
7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010. 5-сон, 37-модда, 17-сон, 130-модда.
8. Молодёжь в меняющемся обществе // Региональный мониторинговый доклад ЮНИСЕФ.- 2000,. №7.- С.77.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби - Т.: “Ўзбекистон”. 1996.

2.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.- 209-б.

3.Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқи. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997, 5-б.

4.Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1998, 438-б.

5.Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: “Ўзбекистон”. 1998.

6.Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.-Т.: “Шарқ”. 1999.

7.Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. - Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 290-б.

8. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. - Т.: “Ўзбекистон”, 1999.

9.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. - Т.: “Ўзбекистон”, 1999,385-б

10.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. - Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 63 - 64 бетлар.

11.Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиздир”.- Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 32-б.

12.Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир: “Фидокор”газетаси муҳбири саволларга жавоблар. - Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 14-40 бетлар.

13.Каримов И.А. “Камолот” ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. - Т.: “Ўзбекистон”. 2001.

14.Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида.- Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 69-б.

15.Каримов И.А. Ёшларимиз - халқимизнинг ишончи ва таянчи. - .: “Маънавият”, 2006, 8-б.

16.Каримов И.А. “Асосий мақсадимиз-юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир.” Ўзбекистон Республикаси конституциясининг қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2007 йил 8 декабрь.

17.Каримов И.А. Асосий мақсадимиз - юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. - Т.: “Ўзбекистон”, 2007, 36-37 бетлар.

18.Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч.-Т.: “Маънавият”, 2008, 175-б.

19.Ўзбекистон Конституцияси - биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. - Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // “Халқ сўзи”, 2009 йил 6 декабрь.

20.И.А.Каримов Наша главная задача - дальнейшее развитие страны и повышение благосостояния народа. - “Ўзбекистон”, 2010, С. 15.

21.Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2010 йил 12 ноябрь.

22.Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 68-б.

23.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 177-178-б.

24.Каримов И.А. Ўзбекистонда ижтимоий - иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти (2012 йил 12-14 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган

“Ўзбекистонда ижтимоий - иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусидаги Халқаро конференциясидаги нутқи). // “Халқ сўзи”, 2012 йил 16 сентябрь.

25.Президент И.А. Каримовнинг “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциясининг очилиш маросимидаги нутқидан, 2012 йил 17 февраль.

26.Каримов И.А. Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она-соғлом бола” мавзусидаги халқаро симпозиум очилишидаги нутқ. 20-жилд.-Т.: “Ўзбекистон”, 2012, 26-36-бетлар.

27.Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили - буюк келажагимизнинг гаровидир. - Т.: “Ўзбекистон”, 2012, 34-35 бетлар.

III.Монография ва рисолалар

1.Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.: Шарқ, 1997. 2.Демократия: илмий - изоҳли луғат. Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.

3.Ёшларни ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент. ЎЗМУ, 2012.

4.Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011- 2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: Статистик тўплам. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

5.Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент. “Маънавият”, 2013.

6. XXI аср: Истиқболимиз тимсоллари. - Т.: “Ўзбекистон”. 2001.

IV. Илмий мақолалар, журналлар ва газеталар

- 1.Жўраев Н. Агар огоҳсен.Т.: “Ёзувчи” нашриёти”, 1998. 119-б.
- 2.Никольский Д. Социология молодёжи // Молодёжный экстремизм и молодёжная субкультура. - М.: Наука, 1997.
- 3.Рустамова М. Ёшларда тафаккур маданиятини шакллантиришнинг фалсафий жиҳатлари. - Т.: Мехнат, 2000.
- 4.Усмонов А. “Ёшлар - улкан бунёдкор куч”. - “Turkiston” 11-12 (15028)-сон, 3 февраль, 2007.
- 5.Файзиев Ш. Ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳим кафолати. “Ҳуқуқ ва бурч”, 2008 йил 8-9-сон.
- 6.Яқин ҳамкор, ишончли кўмакдош. Микрокредитбанк матбуот хизмати маълумоти. “Халқ сўзи” газетаси 56 (5730) - сон, 23 март, 2013.

VI. Интернет манбалар

- 1.Камолот ЁИХ Дастури.<http://www.Kamolot.uz/index.php?option=com>.
- 2.Молодёжное правозащитное движение.- <http://www.yhrm.narod.ru/>.
- 3.Молодёжное движение правых .- <http://www.lenta.ru/>.
- 4.Молодёжное движение “Дорогами добра”.- <http://www.e1.ru/>.

Глоссарий

Ассоциация - (уюшмалар) - фаолиятни мувофиқлаштириш ва умумий манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида юридик шахслар томонидан ташкил этиладиган жамоат бирлашмалар.

Бойскаут - 1908 йилда Роберт Баден-Пауэлл томонидан бойскаут гуруҳлари таркибида скаутлар болалар ташкилотлари ташкил топди. Ҳозирги кунда ушбу ташкилот таркибида дунёнинг 150 та давлатида миллионлаб ёшларни бирлаштирган скаутлар ташкилотлари фаолият олиб бормоқда.

Диний бағрикенглик - жамият учун анъанавий бўлган диний кадриятлар ва ақидавий аҳкомлар тизимини инкор этиш ва уларга зид бўлган «ғоялар»ни агрессив тарзда тарғиб қилишдир.

Деструкция - “деструкция” атамаси [лот. destruction] - бирор нарсанинг одатий тузилишини бузиш, вайрон қилишни англатади.

Ёшлар - бу ўзларининг ижтимоий мавқеи, ёши, ижтимоий-руҳий хусусиятларига қараб фарқланадиган, яъни жамият ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муносабатларига тўлақонли киришиш даврини бошдан кечираётган 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ижтимоий-демографик гуруҳдир.

Ёшлар ташкилоти - Ёшлар ташкилотлари - Ўзбекистон Республикасида ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлар тузилган. Чунки республикамиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Шу сабабли республикамизда ёшларнинг фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон болалар жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар ташкилоти, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Фарзандим жигарбандим жамоат бирлашмаси”, “Сен ёлғиз эмассан” республика жамоат болалар жамғармаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон болалар кутубхоналарини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашувчи хайрия жамғармалари тузилган .

Ёшлар қаноти - сиёсий партиялар таркибида фаолият юритувчи ёшлар бирлашмаси. Жумладан, Ўзбекистон “Адолат” СДП нинг “Ёшлар қаноти”, Ўзбекистон “Халқ” демократик партиясининг “Истиқбол ёшлар қаноти”, Ўзбекистон Республикаси Миллий тикланиш партияси “Ёшлар қаноти”, Ўзбекистон Республикаси Либерал демократик партияси “Ёшлар қаноти”.

Ижтимоий тармоқ - Интернетдаги мулоқот ва танишув сайти. Жумладан, “Одноклассники.ru”, “В контакте.ru”, “Мой мир”, “Facebook” каби ижтимоий тармоқлар мавжуд.

Ишсизлик - Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 60-моддасига кўра, ўн олти ёшдан бошлаб, то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ёки қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахс ишсиз деб эътироф этилади.

Конвенция - лотинча (convention) халқаро келишув тушунчасини англатади.

Мафкуравий иммунитет - мафкура полигонларида синовдан ўтаётган, моҳиятан ғайриинсоний бўлган ғояларга қарши тура олиш. Иммунитет (лот. “Иммунитас” - озод бўлиш, қутилиш маъноларини англатади).

Миллий ғоя - миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимлайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари.

Оммавий маданият - Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Поралитар - Поратоталитар (корпоратив, жиноий, элитага хос, ўсмирларга хос).

Тоталитар - Тоталитар (сиёсий, ёлғон диний, тижорат, культлашган, мистик-магик, ордenga хос); АҚШ - Жоунстаун 1974 й.

Фанат клублар - кўп ҳолларда бу ўсмирлардан иборат рокерлар, металлистлар, эмо ва готлар гуруҳи.

Эмо ва Готлар - Эмо ва готлар гуруҳлари, одатда ўз дунёқарашлари асосига ўлим инстинктини (мортидо) ҳаётга қизиқиш инстинктидан (либидо) устун қўядилар, шу боис улар орасида суиқасдлар энг кўп кузатилади. Афсуски, турли маданий гуруҳлар фаолияти психологлар, социологлар, маданиятшунослар томонидан ўрганилмаган.

**“Камолот” ЁИХнинг “Ҳарбий-спорт соғломлаштириш оромгоҳи”
лойиҳаси бўйича жалб қилинган ёшлар сони**



Изоҳ: лойиҳа доирасида 2007-2011 йиллар мобайнида жами 5 650 нафар профилактик ҳисобда турган ёшлар жалб этилиб, 1,5 минг нафарини ҳисобдан чиқарилишида кўмаклашилди.

**“Камолот” ЁИХнинг “Ёш тадбиркор-юртга мададкор” лойиҳаси
бўйича кредит олган ёшлар**


Лойиҳа доирасида кредит олган ёшлар сони



**“Камолот” ЁИХнинг “Ёш тадбиркор камолоти-кишлоқ
тараққиёти кафолати” лойиҳаси бўйича имтиёзли кредит олган ёшлар
сони**




**“Камолот” ЁИХнинг “Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳасида
иштирок этган ёшлар**



**“Камолот” ЁИХнинг “Қувноқлар ва зукколар” кўрик танловида
иштирок этган жамоалари**

Кўрик-танловда иштирок этган жамоалар сони



**“Камолот” ЁИХнинг муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий
хизматчиларга бериладиган имтиёзлар**

Моддий қўллаб-қувватланган талаба-ёшлар сони

